

“ТАСДИҚЛАНГАН”

“Олмалиқ кон -металлургия комбинати”

акциядорлик жамияти

Кузатув кенгашининг

2025 йил « 28 » ноябрдаги

21 -сон баённомаси

“Олмалиқ кон-металлургия комбинати”

акциядорлик жамиятининг

2026 йил учун

БИЗНЕС РЕЖАСИ

Давлат номидан акциядор
(иштирокчи, таъсисчи)
функциясини бажарувчи ташкилот
номи

“Олмалиқ кон-металлургия комбинати”
акциядорлик жамияти

Почта манзили, е-хат манзили
(ёки электрон почта манзили)

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент
вилояти, Олмалиқ шаҳри, Амир Темур
кўчаси, 53, индекси 110100

СТИР

202 328 794

Ижроия органи раҳбари

А. Х. Хурсанов

Бош бухгалтер

Х.А. Тухсанов

Имзолар:

(2026 йил Бизнес-режаси учун.)

Бошқарув раисининг иқтисодиёт, молия ва
трансформация бўйича биринчи ўринбосари

Б.А. Маматов

Бошқарув раисининг ўринбосари в.б.-
Бош муҳандис

С. В. Ларионов

Бошқарув раисининг ходимлар ва ижтимоий масалалар
бўйича ўринбосари в.б.

С. Б. Шерматов

Бошқарув раисининг тижорат, харидлар ва
махаллийлаштириш бўйича ўринбосари

К. Б. Исмаилов

Инвестициялар ва капитал қурилиш
департаменти директори

М. З. Камилов

Ресурслар ва тоғ -кон ишлари
департаменти бошлиғи

У. С. Оруджов

Технология департаменти бошлиғи

А.М. Сайназаров

Механика хизмати департаменти бошлиғи

А. А. Азизов

Энергетика хизмати департаменти бошлиғи

Д.С. Досметов

Бюджетлаштириш ва харажатларни назорат
қилиш департаменти бошлиғи

М.М. Низомов

Меҳнатга ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш
бўлими бошлиғи

А. М. Қамбаров

М У Н Д А Р И Ж А

I. Корхона тўғрисида умумий маълумот

- 1.1 Корхона реквизитлари (умумий маълумотлар, корхона паспорти);
- 1.2 Корхона тарихи, охириги йилларда эришган ютуқлари;
- 1.3 Мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳолати;
- 1.4 Корхона ташкилий ва ижро этувчи аппарати бошқаруви тузилмаси, тармоқ корхоналари тўғрисида маълумот;
- 1.5 Кадрлар сиёсати, ишчи-ходимлар, ижтимоий ҳимоя;
- 1.6 Корхонанинг бозордаги ўрни ва аҳамияти, шу жумладан халқаро бозордаги мавқеи;
- 1.7 Корхонада жорий этилган сифатни бошқариш тизими

II. Корхонани ислоҳ қилиш

- 2.1 Истиқболли ривожланиш стратегияси;
- 2.2 Ислоҳ қилиш мақсади ва босқичлари;
- 2.3 Ислоҳ қилишнинг 2025 йил учун режаси;

III. Бозор ва маркетинг режаси

- 3.1 Бозор таҳлили
- 3.2 Маҳсулот (хизмат)нинг асосий истеъмолчилари, таркиби
- 3.3 Рақобат
- 3.4 Маркетинг режаси

IV. SWOT-таҳлили

V. Энерго ресурслар таъминоти ва уларнинг сарфи

- 5.1. Қувватларни модернизация ва реконструкция қилиш орқали энергияни тежаш ва самарадорликни ошириш бўйича Техник сиёсати
- 5.2. Корхонанинг энергетик эҳтиёжларини қайта тикланувчи энергия манбалари, жумладан қуёш панелларини ўрнатиш ҳисобидан ва табиий газдан кўмирга ўтказишни таъминлаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш

VI. Кўрсаткичлар

6.1 Ишлаб чиқариш режаси

- 6.1.1. Хомашё захираси;
- 6.1.2. Тайёр маҳсулотнинг асосий тавсифлари
- 6.1.3. Жорий (2 йиллик) ишлаб чиқариш ҳолати

6.2. Молиявий режа

- 6.2.1 Жорий (2 йиллик) молиявий кўрсаткичлар
- 6.2.2 Молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар режаси (бюджети)
- 6.2.3 Даромадлар шаклланишининг асосий манбаи (нархлар прогнози)

6.2.4 Харажатлар ва таннархни оптималлаштириш.

VII. Иш хақи тўлаш тизими

VIII. Ташқи иқтисодий фаолият режаси (экспорт ва импорт)

IX. Маҳаллийлаштириш

X. Инвестиция лойиҳалари

XI. Бизнес рискларни (таваккалчиликларни) бошқариш

XII. Экология ва атроф муҳитга таъсири

I. Корхона тўғрисида умумий маълумот

1.1. Корхона реквизитлари (умумий маълумотлар, корхона паспорти)

Жамиятнинг номланиши давлат тилида:	“Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти (“Олмалиқ КМК” АЖ).
Рус тилида:	Акционерное общество «Алмалыкский горно-металлургический комбинат» (АО «Алмалыкский ГМК»).
Асосий фаолият тури:	Рангли, қимматбаҳо, ноёб ва бошқа металл рудаларини қазиб олиш, ишлаб чиқариш.
Жамиятнинг почта манзили ва жойлашган ўрни:	Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 53, индекси 110100

Жамиятнинг устав капитали

(уставга ўзгартиришлар киритилмоқда)

Улушнинг номи		Устав фонди (капитал)		
		дона	минг сўм	%
1	Давлат улуши	708 620 381	2 773 540 171,2	98,74
1.1.	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги	522 305 428	2 044 303 445,1	72,78
1.2.	Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси	175 472 021	686 797 490,1	24,45
1.3.	Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги	10 842 932	42 439 235,8	1,51
2	Юридик шахслар улуши*	89 098	348 729,6	0,012
3	Жисмоний шахслар улуши*	8 909 134	34 870 350,5	1,24
ЖАМИ:		717 618 613	2 808 759 251,3	100

* Имтиёзли акциялар бўйича улуш эгалари

СТИР	202 328 794
Ҳисоб рақами ва банк манзили	20210000000130833001, “Миллий банк Ўзбекистон Республикаси ТИФ” АЖ
Умумий ер майдони	22 119,22 гектар
Бино-иншоотлари	276,0 га.
Ишлаб чиқариш майдони	91,16 га
Ишчилар сони	34 760 киши (шундан, 4 952 АУП)

1.2. Корхона тарихи, охириги йилларда эришган ютуқлари

Олмалик кон-металлургия комбинатининг тарихи 1939 йилда Б.Н. Наследов ва А.В. Королёвларнинг геологик тадқиқотларидан кейин бошланган ва тадқиқотлар асосида Олмалик мис ва молибден комбинати қурилишини бошланган.

1940 йилда мис эритиш заводи мажмуаси ва Олмалик шаҳри учун бош режаси ишлаб чиқилган, бироқ Иккинчи Жаҳон уруши бошланиши туфайли ишлар тўхтатилган.

Уруш даврида Қалмоққир ва Оқ-турпоқ конларида “фронтга ёрдам”, “Оқ-Чўққи” конлари ишлаган. Кончилар олтинли маъданни, қўлда аравачаларга юклаб юзага олиб чиққанлар, кейин маъданни қўлбола усулда ювганлар. Олинган олтин ва кумуш давлатга топширилган.

1948 йилда урушдан кейинги даврда Ўзбекистонда рангли металлургиянинг ривожланиши ва шаҳарнинг шаклланишидаги муҳим кадам, яни Олмалик кон-металлургия комбинатининг қурилиши бошланган.

1952 йилда Алин-Топкан кон бошқармаси ташкил этилган.

1954 йилда Олмалик мис-молибден комбинати ва қўрғошин-рух бойитиш фабрикаси барпо этилди.

1954 йилда Олтин-Топкан кони ва қўрғошин-рухни қайта ишлаш заводи ишга туширилди ва собиқ совет (СССР) давридаги энг йирик очик конли мис казиб олиш корхонаси бўлган Қалмоққир конида қурилиш бошланди.

1958 йилда Олмалик мис-молибден комбинати ва Олтин-Топкан кон-металлургия комбинати бирлашди.

1961 йилда Олмаликда 25 000 кВт иссиқлик электр станцияси қурилди.

1962 йил 6 октябрда Олмалик мисни қайта ишлаш заводининг биринчи бўлими фойдаланишга топширилди.

1963 йил 29 декабрда мис эритиш заводида печларга хомашё юкланиши бошланиб, 31 декабрда биринчи хомаки мис ишлаб чиқарилди.

1964 йил биринчи катод миси ишлаб чиқарилди.

1963 йил хозирги рух заводида сульфат кислота цехи, пирит бойитмасини куйдириш орқали, олтингугурт диоксиди газларини утилизация қилиш асосида сульфат кислота ва суюқ олтингугуртли ангидрид цехи ташкил этилди.

1970 йилда рух заводи ишга туширилди ва биринчи рух олинди.

“Олмалиқ КМК” АЖ томонидан сўнги йиллардаги асосий ютуқлари:

3-Мис бойитиш фабрикасининг 2025 йилда ишга туширилиши, бу йилига 60 миллион тонна мис маъданини қайта ишлаш имконини яратиб, умумий ишлаб чиқариш салоҳияти сезиларли равишда оширади, барқарор экспорт тушумлари ва қўшимча қийматли металл маҳсулотлари улуши кенгайтиради;

Экспорт салоҳияти бўйича мис ва рух маҳсулотлари экспортида барқарор ўсишни таъминлаб, ташқи бозорларда ўз позициясини мустаҳкамламоқда;

S&P Global Ratings агентлиги томонидан “B+” (барқарор) даражасидаги кредит рейтинги, Fitch Ratings агентлиги томонидан эса “BB” (барқарор) кредит рейтинги берилди. Ушбу рейтинглар корхонанинг молиявий барқарорлиги, қўлланилаётган самарали корпоратив бошқарув амалиётлари, инвестиция дастурларининг изчиллиги ва халқаро бозордаги мустаҳкам позициялари эътироф этилганини англатади.

1.3. Мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳолати КОН САНОАТИ

Очиқ кон ишлари

Мис молибден рудаларини очиқ усулида қазиб олишда “Қалмоқир”, “Сариқ-Чўққи” ва “Ёшлик-І” конлари фаолият юритиб келмоқда.

Мис-молибден рудаларни қазиб олишда қуйидагилар кўзда тутилган:

2026 йилда 64,1 млн.т мис-молибден рудаларини қазиб олиш, шу жумладан “Қалмоқир” конидан 37,7 млн.т, “Ёшлик-І” конидан 24,2 млн.т ва “Сариқ-Чўққи” карьеридан 2,2 млн.т.



Кон очиш ишлари:

2026 йилда 20,1 млн.м³ бўш тоғ жинсларини қазиб олиш кўзда тутилган бўлиб шу жумладан: “Қалмоқир” конидан 17,6 млн.м³, “Сарик-Чўққи” карьеридан 2,5 млн.м³.

“Ёшлик-І” конини ўзлаштириш инвестицион лойиҳасини амалга ошириш доирасида:

2026 йилда 50 млн.м³ бўш тоғ жинсларини қазиб олиш режалаштирилган.

Бундан ташқари, коннинг барқарор ишлашини таъминлаш мақсадида бир қатор ташкилий-техник тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган.

2026 йил учун “Қалмоқир” конида

–15,7 млн.м³ кон массасини автотранспорт орқали қайта юклаш пунктларига ташиш;

–Карьер ва ағдармалардаги темир йўллари капитал ва жорий таъмирлаш 27,4 км;

–“Қалмоқир” КБ бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш ҳисобига рудаларни йўқотишни 0,1% га камайтириш;

–“Совуқ-Булоқ” карьеридан оҳактошлар комбинат таркибидаги қайта ишловчи бўлинмаларининг эҳтиёжлари даражасида қазиб олиш;

Ер ости кон ишлари

Ангрен кон бошқармаси (АКБ), Чодак кон бошқармаси (ЧКБ) ва Ковулди кони “Олмалиқ КМК” АЖ таркибидаги олтин таркибли рудаларни ер ости усулида қазиб олувчи корхоналарга киради ва уларнинг 2026 йил учун йиллик унумдорлиги 1 042 минг тонна рудани ташкил этади.



Шунингдек ер ости усулида 2026 йилда ишлаб чиқариш унумдорлиги 615 минг тонна бўлган полиметалл кўрғошин-рух рудаларини “Хондиза” кон бошқармасида қазиб олиш кўзда тутилган.

2026 йилда ишлаб чиқариш ҳажмларини бажариш мақсадида қуйидаги асосий тадбирлар кўзда тутилган:

Ангрен кон бошқармаси.

- Тоғ-кон ва капитал ишларининг бажарилишини таъминлаш;
- “Қизил-Олма” шахтаси (+806м ва +865 м) горизонтларида 540 п.м/4996 м3 хажмда кон капитал ишларини амалга ошириш;
- “Разведочная” шахтаси (+746м ва +806 м) горизонтларида 400 п.м/4080 м3 хажмда кон капитал ишларини амалга ошириш;
- “Самарчук” шахтаси (+865м ва +925 м) горизонтида 730 п.м/5664 м3 хажмда кон капитал ишларини амалга ошириш
- Йиллик буюртмаларга асосан қуйидаги техникалар сотиб олиниши керак:
- Парашют ва осма қурилмаси билан жиҳозланган шахта клети - 2 дона;
- юклаб элтувчи машина ST-2G - 3 дона;
- НКР-100 ва БП-85 русумли бурғулаш ускуналари - 7 дона;
- юкловчи машиналар ППН-1С - 4 дона.

Чодак кон бошқармаси.

“Пирмироб” конининг ишлаб чиқариш қувватини амалдаги хажмларда ушлаб туриш мақсадида 930м горизонтда 9, 10 ва 14 сонли томирлар захираларни қазиб олиш учун 400 п.м, 5 сонли руда томирларини пастки қолдиқ захираларини қазиб олиш учун 100 п.м. тайёрлов кон лаҳимларини ўтиш ишларини олиб бориш. Шунингдек “Гузаксой” конининг Жануби-Шарқий участкасининг 1025м горизонтидаги 1-сон руда танаси ва “Бош” томир захираларини ўзлаштириш учун 400 п.м кон тайёрлов лаҳимларини ўтиш;

2026 йил учун манзиллар рўйхатида мувофиқ қуйидагиларни сотиб олиш зарур:

- электровозлап КР-600, 7КР-600 - 3 дона;
- ВО-0,8 - 30 дона;
- юкловчи машиналар ППН-1С - 2 дона.

“Ковулди” кони.

Прогноз кўрсаткичларини бажарилишини таъминлаш учун қуйидагилар кўзда тутилган:

- “Жанубий II” участкаси захираларини очиш учун 664 п.м. узунликда очувчи кон лаҳимларини ўтиш;
- Қуйи Кежасой захираларини қазиб олиш учун 596 п.м. узунликда очувчи кон лаҳимларини ўтиш;
- тўлғазма ишлар учун 2 дона техник қудуқларни (скважина) бурғулаш ва обсадка қилиш.

Хондиза» КБ.

Йилига 615 минг тонна рудани қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича прогноз кўрсаткичларини бажарилишини ва ўз вақтида эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш.

2026 йил учун манзиллар рўйхатига мувофиқ, кон-ўтиш ишларини ўз вақтида бажариш учун эскирган ускуналар ўрнига қуйидагиларни сотиб олиш зарур:

- ЛН-307 русумли юклаб-элтувчи машина— 1 дона;
- ер ости автосамосвали МТ 2010 – 1 дона;
- ўзи юрар бурғилаш ускунаси Boomer-104 – 1 дона.

Хомашё захираси

“Олмалиқ КМК” АЖ Ўзбекистон Республикасининг Тошкент, Сурхондарё ва Наманган вилоятлари ҳудудида жойлашган мис порфирли, полиметалл ва олтин-кумуш конлари захиралари асосида ташкил этилган.

“Қалмоқир”, “Ёшлик-I” ва “Сариқ-Чўкки” мис порфирли конлари комбинатнинг мис тармоғини хомашё билан таъминлайди ва мис бойитиш фабрикаларида (МБФ, 2-МБФ ва 3-МБФ) қайта ишланади.

Кумуш-полиметалл конлари Хонжиза конида қазиб олинади ва Хонжиза бойитиш фабрикасида қайта ишланади, натижада кўрғошин-рух концентратлари олинади.

Қизилолма, Кўчбулоқ, Қайроғоч, Самарчук, Пирмироб, Гузаксой ва Ковулди конлари захиралари комбинатнинг олтин-кумуш тармоғини хомашё билан таъминлайди.

Комбинатнинг мис-молибден йўналиши бўйича ишлари:

“Қалмоқир” ва “Сариқ-Чўкки” конларининг геологик захиралари 4 156,9 млн.т ва 14,1 млн.т ташкил этади.

Юқоридаги конлар ҳозирда очик усулда қазиб олинади. Захираларнинг мавжудлиги “Қалмоқир” конида руда қазиб олиш бўйича 126 йил, “Сариқ-Чўкки” карьерида 2027 йилгача (2 йил) қазиб олиш имконини беради.

Бундан ташқари мис рудаларининг хомашё базаси “Ёшлик-I” конида ўрганилган захиралари 5 770,2 млн.т ва “Ёшлик-II” конида 60,4 млн.т ни ташкил этади.

Комбинатнинг кўрғошин-рух йўналиши

“Хондиза” кони 16 458,0 минг тонна 31 йиллик захирага эга бўлиб, айна дамда қувватларни ҳозирги даражада ушлаб туриш мақсадида ушбу соҳани ривожлантиришнинг 2-босқичи амалга ошириш лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ҳозирда мазкур лойиҳани ваколатли органлар билан келишиш ишлари олиб борилмоқда.

Комбинатнинг олтин-кумуш йўналиши

Ангрен кон бошқармасининг асоси Қизилолма, Кўчбулоқ, Самарчук ва Қайроғоч конлари бўлиб, руданинг захиралари 15 872,3 минг тоннани ташкил этади ҳамда 29 йил ишлаб чиқариш имконини беради. Фойдали қазилма Ангрен олтин ажратиб олиш фабрикасида қайта ишланади, флотоноконцентрат ва флюслар қайта ишлаш учун комбинатнинг мис эритиш заводида жўнатилади.

Ангрен олтин ажратиб олувчи фабрикасининг ишлаб чиқариш қувватини сақлаб қолиш учун “Қизил-Олма” конидаги “Чумаук-2” участкасидан захираларни

жалб қилиш режалаштирилган, бунинг учун кон тайёрлаш ва қидирув ишлари шахта қурилиш бошқармаси (ШҚБ) томонидан амалга оширилади.

Чодак кон бошқармаси Пирмироб ва Ғузаксой конлари негизида геологик захиралар 1 003,5 минг тоннани ташкил этади ва фойдаланиш муддати 8 йил.

Ковулди конида геологик захиралари 4 483,8 минг тонна бўлиб фойдаланиш муддати 42 йил.

Нометалл хомашёлар

Совуқ-Булоқ оҳактош конини очик усулда қазиб олинади ва кон массасини ташқи ағдармаларга ташиш транспорт тизими билан амалга оширилади. Коннинг геологик захиралари 3 001,1 минг тоннани ташкил этади. Карьернинг унумдорлиги йилига 200,0 минг м³ оҳактош ва 15 йил давомида қазиб олиш имконини беради.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ТЕХНОЛОГИЯ

Мис бойитиш фабрикаси (МБФ)

Мис бойитиш фабрикаси «Қалмоқир» ва «Сарик-Чўққи» конларидан етказиб келинадиган мис-молибден рудаларини қайта ишлашга мўлжалланган.



Фабрика таркибига қуйидаги ишлаб чиқариш бўлимлари ва технологик объектлар киради:

- 1-сонли майдалаш цехи;
- 2-сонли майдалаш ва бойитиш комплекси;
- Янчиш ва флотациялаш цехи;
- Мис ва молибден концентратларини саралаш ва қуришиш цехи;
- Чиқинди тўплаш цехи.

Технологик схема уч босқичли майдалаш ва икки босқичли янчиш жараёнларидан иборат бўлиб, барча операциялар ёпиқ циклда амалга оширилади. Майдаланган руда флотация жараёнига йўналтирилиб, коллектив мис-молибден концентрати олинади. Ҳосил бўлган коллектив концентрат саралаш жараёнидан ўтказилади, натижада мис концентрати ва молибден ярим-тайёр маҳсулотига ажратилади ҳамда кейинчалик Мис эритиш заводида (МЭЗ) юборилади.

2026 йил учун мис бойитиш фабрикаси бўйича прогноз кўрсаткичларига мувофиқ, жами 39,9 млн тонна руда қайта ишланиши режалаштирилган, шундан 37,7 млн тонна — “Қалмоқир” конидан ва 2,2 млн тонна — “Сариқ-Чўққи” конидан етказиб берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 сентябрдаги №ПҚ-3954-сон “Олмалик КМК” АЖ ишлаб чиқариш қувватларини реконструкция қилиш ва барқарорлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда асосий ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш бўйича устувор чора-тадбирлар дастурига мувофиқ, фабрикани реконструкция қилиш ишлари белгиланган.

Мис бойитиш фабрикасини реконструкция қилиш тадбирлари қуйидаги икки йўналишда амалга оширилади:

- руда қайта ишлаш жараёнидаги сифат ва миқдор кўрсаткичларини оширишга қаратилган замонавий технологик схемани ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- майдалаш, янчиш, бойитиш, қуюлтириш ва фильтрация бўлимларида жисмоний ва маънавий эскирган ускуналарни реконструкция қилиш ва замонавий ускуналар билан алмаштириш.

Лойиҳа доирасида белгиланган тадбирларни амалга ошириш эксплуатация харажатларини камайтиради, ускуналардан фойдаланиш коэффициентини оширади, ишлаб чиқариш барқарорлигини таъминлайди ва фабриканинг технологик кўрсаткичларини яхшилайдди.

2026 йилда амалга оширилиши режалаштирилган асосий ишлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- қимматбаҳо металлларни ажратиб олиш даражасини ошириш мақсадида гравитация усулидан, хусусан, марказдан қочма концентраторлардан фойдаланишни жорий этиш;
- флотацияга келаётган руданинг янчиш даражасини 59–60 % (кл. –0,074 мм) дан 70 % гача ошириш учун насос-гидроциклон ускуналарини ўрнатиш (жами 13 та, шулардан 9 та — янчиш ва флотациялаш цехида, 4 та — 2-сонли майдалаш ва бойитиш комплексида);
- ишлаб чиқариш кўрсаткичларига таъсир кўрсатмаган ҳолда, 1 ва 2-сонли флотация моносекцияларини реконструкция қилиш ишларини амалга ошириш.

2-Мис бойитиш фабрикаси (2-МБФ)

Фабрика таркибига майдалаш цехи, янчиш ва флотация цехи, сувсизлантириш участкаси ҳамда чиқинди сақлаш хўжалиги киради.

Технологик схема ёпиқ циклда уч босқичли майдалаш ва икки босқичли янчиш жараёнларини ўз ичига олади. Кейин майдаланган руда флотациядан ўтказилади ва коллектив мис-молибден концентрати олинади.

2026 йил учун 2-Мис бойитиш фабрикаси бўйича прогнозга кўра, жами 4 870 минг тонна хомашё қайта ишланиши режалаштирилган. Шу жумладан, 4 200 минг тоннаси «Ёшлик-1» кони рудаси, 598 минг тоннаси ташланган тошқоллар ва 72 минг тоннаси конвертор тошқоллари ҳисобланади.



2026 йилда амалга оширилиши режалаштирилган асосий тадбирлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- технологик ва энергетик ускуналарни алмаштириш ҳамда модернизация қилиш бўйича ташкилотчилик-техник чора-тадбирларни амалга ошириш;
- энергия самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни жорий этиш.

3-Мис бойитиш фабрикаси (3-МБФ)

“Ёшлик-1” конидан тўлиқ технологик циклга эга 3-Мис бойитиш фабрикаси мажмуасини куриш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 майдаги №ПҚ-4731-сон қарорига мувофиқ амалга оширилмоқда («Олмалик КМК» АЖ конлари базасида рангли ва қимматбаҳо металлларнинг ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида).

3-МБФ лойиҳа қуввати йиллик 60 млн тонна рудани қайта ишлашга мўлжалланган (6 линиядан, ҳар бири 10 млн тонна).

Технологик схема қуйидагиларни ўз ичига олади:

- “Ёшлик-1” кони рудасини конусли майдалагичда икки босқичли майдалаш;
- юқори босимли волокли майдалагичларда ёпик циклда грохот орқали синфлантириш ва хомашёни 6 мм гача майдалаш;
- майдаланган маҳсулотни шарли тегирмонларда янчиш;
- янчиш циклида гравитацион бойитиш;
- флотация орқали коллектив мис-молибден концентратини олиш.

Ҳосил бўлган коллектив концентрат саралашдан ўтказилади, натижада мис концентрати ва молибден ярим-тайёр маҳсулоти ажратилади ҳамда МЭЗга юборилади.

3-Мис бойитиш фабрикасида босқичма-босқич ишга тушириш ва синов ишлари олиб борилмоқда. 2026 йил учун прогнозга кўра «Ёшлик-1» кони рудасини қайта ишлаш ҳажми 20,0 млн тонна рудани ташкил қилади.

Ангрен олтин саралаш фабрикаси

Ангрен олтин саралаш фабрикаси Ангрен кон майдонининг «Қоч-Булоқ», «Қизил-Олма» ва «Қайрағоч» конларидан олтин таркибли рудасини қайта ишлашга мўлжалланган.

Рудани қайта ишлаш технологик схемаси қуйидагиларни ўз ичига олади:

- руда майдалаш;
- ёпиқ циклда икки босқичли янчиш;
- қимматбаҳо металлларни гравитацион усулда ажратиш;
- флотация;
- қуюлтириш;
- флотация концентратини фильтрация қилиш ва қуриштириш.

Олинган гравитацион ва флотация концентратлари аффинаж олтин ва кумуш олиш учун Мис эритиш заводида (МЭЗ) юборилади.

2026 йил учун прогнозга кўра, Ангрен кон бошқармасида жами 760 минг тонна руда қайта ишланиши режалаштирилган. Шу жумладан:

- 680 минг тоннаси Ангрен олтин саралаш фабрикасида қайта ишланади;
- 80 минг тонна флюс рудаси майдалаш-шихта участкасида олинади ва МЭЗга юборилади.

Ангрен олтин саралаш фабрикасида 2026 йилда амалга оширилиши режалаштирилган асосий тадбирлар:

- технологик ва энергетик ускуналарни алмаштириш ва модернизация қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;
- энергия самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни жорий этиш.

Чодак олтин саралаш фабрикаси

Чодак олтин саралаш фабрикаси “Чодак” кон майдонининг «Пирмироб» ва «Гузаксой» конларидан ҳамда «Ковулди» конларидан қазиб олинган олтин таркибли рудаларни қайта ишлайди.

Технологик схема қуйидагиларни ўз ичига олади:

- уч босқичли майдалаш;
- ёпиқ циклда бир босқичли янчиш;
- икки босқичли синфлаш;
- гидроциклон суюқ маҳсулотини қуюлтириш;
- қуюлтирилган маҳсулотни цианлаш;
- таркибида олтин миқдори юқори эритмаларни фильтрация қилиш;
- металлларни руҳ чанги орқали чўктириш ва руҳ чўкмасини қуриштириш;
- кейинчалик руҳ чўкмасини МЭЗга қайта ишлаш учун юборилади.

2026 йил учун Чодак олтин саралаш фабрикасида жами 180 минг тонна руда қайта ишланиши режалаштирилган. Шу жумладан:

- 162 минг тоннаси “Чодак” кон майдони рудаси;
- 18 минг тоннаси “Ковулди” конидан олинган флюс рудаси.

Хандиза бойитиш фабрикаси

Фабрика таркибига майдалаш участкаси, янчиш, мис, рух ва қўрғошин концентратларини флотацияси, куюлтириш ва фильтрация бўлимлари ҳамда мис-



қўрғошин концентрати саралаш кирази.

Хандиза бойитиш фабрикаси бўйича 2026 йил учун прогнозга кўра, жами 615 минг тонна руда қайта ишланиши режалаштирилган.

2026 йилда амалга оширилиши режалаштирилган асосий тадбир — металл ишлаб чиқариш прогнозини таъминлайдиган техник чора-тадбирларни амалга ошириш.

МЕТАЛЛУРГИЯ ЗАВОДЛАРИ

Мис эритиш заводи (МЭЗ)

Тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун асосий хом ашё комбинатнинг бойитиш фабрикаларидан чиқадиган мис бойитмалари, импорт мис бойитмалари,



шунингдек мис ломлари ва мис чиқиндилари ҳисобланади.

2026 йил учун қуйидаги ҳажмларда маҳсулотлар ишлаб чиқариш режалаштирилган:

Ишлаб чиқариш режаси	Ўлчов бирлиги	2026 йил
Хомаки мис	т	151 500
Анодли мис	т	176 816
Мис катоди	т	148 500
Эмалланган сим	т	345
Сульфат кислотаси	т	690 000
Куйиндидаги молибден	т	887,5
Аммоний перренати (рений)	кг	805,0
Техник селен	кг	35 000
Техник теллур	кг	3 000
Мис купороси	т	10 112

Режалаштирилган ишлаб чиқариш ҳажмларига эришиш учун металлургия агрегатларининг асосийларини таъмирлаш жадвали ишлаб чиқилган ва тасдиқланган, асосий ва ёрдамчи ускуналарнинг меъёрга ишлашини таъминлаш, хизмат муддатларини узайтириш ва иш шароитларини яхшилашга қаратилган бир қатор ташкилий-техник тадбирлар кўзда тутилган.

2026 йилнинг январь-февраль ойларида Кислород машъал эритиш печи (КФП), 3-сонли сульфат кислота ишлаб чиқариш бўлими, ҳаво ажратиш цехининг 5-блокида капитал таъмирлаш ишлари олиб борилиши режалаштирилган.

Мисни электролиз қилиш цехи биноси ва қурилмаларининг емирилганлиги боис уларни таъмирлашни ва электролиз ванналарини алмаштиришни давом эттириш режалаштирилган.

Рух заводи (РЗ)

Рух заводи «Хандиза» КБ рух бойитмасини, шунингдек сотиб олиб келтириладиган рух бойитмаларини қайта ишлайди. Рух заводи коллективи ходимларининг муҳим вазифаси асосий технологик ва ёрдамчи ускуналарнинг техник ҳолатини яхшилашдир.



2026 йил учун ишлаб чиқариш режаси импорт қилинадиган рух бойитмаларини катта ҳажмда олишни назарда тутди ва бунинг натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш миқдори ўсиши кутилмоқда:

Ишлаб чиқариш режаси	Ўлчов бирлиги	2026 йил
Металли рух	т	60 000
жумладан: импорт хомшёсидан	т	35 290
ўз хом ашёсидан	т	18 305
рух чанги	т	6 405
Техник рух сульфати	т	1 261
Металли кадмий	т	282
жумладан: импорт хомашёсидан	т	191
ўз хом ашёсидан	т	91
Сульфат кислотаси	т	67 961

2026 йилда рух заводи 60,0 минг тонна металл рух, 282 тонна металл кадмий ва 67 961 тонна сульфат кис-лотаси ишлаб чиқариши керак. «Хандиза» КБга тегишли ўз рух бойитмасидан 18,3 минг тонна металл рух ишлаб чиқариш режалаштирилган бўлиб, бу ишлаб чиқариладиган умумий рухнинг 30,40% ни ташкил қилади. Бинобарин, металл рух ва сульфат кислотасини ишлаб чиқаришнинг асосий миқдори (63,43%) импорт қилинадиган сульфид бойитмаси билан сифатли ва ўз вақтида етказиб берилишига, технологик материаллар билан таъминотга, ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш дастури асосидаги ишларнинг вақтида бажарилишига боғлиқ бўлади.

2026 йилда 6-сонли янги сульфат кислотаси цехи ускуна, кувурлари монтаж ўрнатиш ва цех қурилиши йилнинг биринчи ярим йиллиги якунига қадар якунланади, шунингдек вельцлаш цехида жами бўлиб 5 та энгли филтларни, танлаб эритиш, вельцлаш ва кадмий цехларида янги ўрнатилган филтр прессларини тўлиқ ишга туширилиши кўзда тутилган, бу эса ўз навбатида 2026-2028 йилларда сульфат кислота, металл рух, металл кадмий ва техник рух сульфати ишлаб чиқариш ҳажмлари кўпайишини таъминлайди.

Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш даражаси

№	Кўрсаткичлар, бажариладиган ишлар, маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Лойиҳа қуввати	Қувватдан фойдаланиш			
				2024 й.	%	2025 й.	%
1.	Мис катоди	тонна	148 000	137 400	92,8	148 500	100,3

1.4. Корхонанинг ташкилий ва ижро этувчи аппарати бошқаруви тузилмаси, тармоқ корхоналари

Комбинат таркибига олтин-мис-порфирланган конлар бўйича учта очиқ кон, полиметалл рудалари ер ости кони, олтин таркибли рудаларни ер ости қазиб олиш



бўйича учта кон, олтига бойитиш фабрикаси, иккита металлургия заводи олтингугурт кислотаси ишлаб чиқарадиган цехи билан, таъмирлаш-механика заводи, оҳак заводи, саноат темир йўл транспорти бошқармаси, бешта автобазага эга бўлган автомобил транспорти бошқармаси ва учта цехга эга бўлган технологик транспорт бошқармаси ва кон ишларини механизациялаш цехи, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш бошқармаси, йигирмадан ортиқ ёрдамчи цех ва лабораториялар киради.

“Олмалик КМК” АЖ ишлаб чиқариш тузилмаси мис-молибден, кўрғошин-рух, олтин қазиб олиш, ноёб металллар ва қаттиқ қотишмалар ишлаб чиқариш йўналишларига йўналтирилган.

Мис ишлаб чиқариш “Қалмоққир” кон бошқармаси, “Ёшлик -I” кони, учта мис бойитиш фабрикаси (МБФ, 2-МБФ ва 3-МБФ), мис эритиш заводи (МЭЗ) каби бўлинмаларини ўз ичига олади.

Кўрғошин-рух ишлаб чиқариши занжири “Хандиза” кон бошқармаси ва рух заводини (РЗ) ўз ичига олади. Уч-кулоч кони эса захира кони ҳисобланади.

Олтин қазиб олиш Ангрен кон бошқармаси (АКБ), Чодак кон бошқармаси (ЧКБ) ва Ковулди кони киради.

Конлардан қазиб олинган рудаларни бойитиш фабрикаларига етказиб бериш транспорт бўлинмалари: саноат темир йўл транспорти бошқармаси ва бешта автобазага эга бўлган автомобил транспорти бошқармаси ва учта цехга эга бўлган технологик транспорт бошқармаси ва кон ишларини механизациялаш цехи томонидан амалга оширилади.

Ер ости конларини куриш бўйича шахта курилиши бошқармаси (ШҚБ) фаолият кўрсатади.

Технологик жараёнларни таъминлаш учун ёрдамчи цехлар ташкил этилган, шу жумладан: оҳак заводи, марказий таъмирлаш-механика заводи (МТМЗ), ихтисослаштирилган таъмирлаш ишлари бошқармаси (ИТИБ), иссиқлик-

энергетика маркази (ИЭМ), саноат сув таъминоти бошқармаси (ССТ), электр тармоқлари бошқармаси (ЭТБ), портловчи материаллар заводи (ПМЗ), "Олмалиқметаллургқурилиш" трести, лабораториялар ва бошқалар қиради.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш бошқармаси комбинат фаолияти учун истеъмол товарлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаради.

“Олмалиқ КМК” АЖ корпоратив бошқарув тузилмасига Акциядорлар, Кузатув кенгаши (жамият фаолиятига умумий раҳбарликни таъминлайди), Бошқарув кенгаши (ижроия органи) қиради.


“Олмалиқ КМК” АЖ Кузатув кенгаши етти нафар аъзолардан ташкил топган, шундан икки нафари мустақил аъзо ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.04.2022 йилдаги ПФ-101 Фармониға мувофиқ, Кузатув кенгаши ҳузурида аудит, харидлар, тайинлов ва рағбатлантириш, стратегия ва инвестициялар қўмиталари ташкил этилган.

“Олмалиқ КМК” АЖ корпоратив бошқарув тузилмаси умумий Акциядорлик жамиятининг жорий фаолиятиға раҳбарлик қилиш жамият бошқаруви раиси бошчилигидаги марказий аппарат (Бошқарув) томонидан коллегиял тарзда амалға оширилади.

Ишлаб чиқариш фаолияти, илмий-техникавий ривожланиш, иқтисодий ва тижорат фаолияти, капитал қурилиш, кадрлар сиёсати ва ижтимоий соҳа масалаларида, шунингдек, барча таркибий бўлинмалар бошқарув раиси, бошқарув раисининг биринчи ўринбосари ва бошқарув раисининг йўналишлар бўйича ўринбосарларининг функционал мажбуриятларига йўналтирилган.

Комбинатнинг таркибий бўлинмалари ишини бошқариш ва назорат қилиш жамиятининг марказий аппарати орқали амалға оширилади.

“Олмалиқ КМК” АЖ Ягона акциядорларнинг 2024 йил 26 августдаги “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида”ги 31- сонли қарорига асосан “Олмалиқ КМК” АЖнинг 2024 йил 30 сентябрда 1516-сонли буйруғи ижро учун қабул қилинди ва ташкилий тузилмаси ва унинг ижро этувчи марказий аппарати тузилмаси маъқулланди.



1.5. Кадрлар сиёсати, ишчи-хотимлар, шу жумладан, корхона бошқарув ва ижроия органи аъзолари тўғрисида маълумот, ижтимоий ҳимоя

2025 йилнинг 1 ноябр ҳолатига “Олмалиқ КМК” АЖ ходимларининг умумий сони **34 760 нафарни** ташкил этади.

Шү жумладан:

- раҳбар ва муҳандис-техник ходимлар 5 047 нафар (15%);
- ишчилар 29 713 нафар (85%);
- эркаклар 27 098 нафар (78%);
- аёллар эса 7 662 нафар (22%);
- 30 ёшгача бўлган шахслар 9 274 нафар (27%);
- ишлаб келаётган пенсионерлар 4 009 нафар (11%);
- 2-3 ёшгача бола парвариши таътилидаги ходимлар 1 115 нафар (4%).

Сифат таркиби қуйидагича тавсифланади:

- Ишчилардан - 29 713 киши
- 2 956 - олий маълумотли
- 19 850 - ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотиغا эга бўлган,
- 6 907 нафари - ўрта ва таъликсиз ўрта таълим.

Бошқарувчилар, мутахассислар ва техник ходимлар 5 047 нафарни ташкил этади. Шундан:

- 3 686 - олий маълумотли

- 1 322 - ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотиغا эга
- 39 нафари - ўрта ва тўлиқсиз ўрта маълумотли.

Ишга қабул қилиш жараёнларини тўғри ва ўз вақтида ташкил этиш мақсадида йил бошидан “Олмалиқ КМК” АЖ бўйича жами **63** маротаба ишга қабул бўйича синов жараёнлари ўтказилиб, умумий ҳисобда **1 560 нафар** фуқаролар ишга қабул қилинди, шундан **497 нафари** олий маълумотли.

“Олмалиқ КМК” АЖ ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича 2025 йил 1 ноябр ҳолатига белгиланган режага мувофиқ:

6 489 нафар ишчи-ходимларнинг малакаси оширилди.

1 418 нафар муҳандис-техник ходимларнинг малакасини ошириш курслари ташкил этилди.

2 409 нафар ишчи-ходимлар иккинчи мутахассислик бўйича касб-ҳунарга қайта тайёрланди.

Ҳисобот даврида комбинатнинг таркибий бўлинмаларида **3 003 нафар** талаба ишлаб чиқариш амалиётини ўтаган.

“Олмалиқ КМК” АЖда ходимлар билан ишлаш Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади, унинг асосида кадрлар ишининг барча йўналишларини тартибга солувчи маҳаллий норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилган бўлиб, улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- кадрларга бўлган эҳтиёжни прогноз қилиш;
- комбинатнинг барча таркибий бўлинмаларининг кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш учун зарур мутахассисликлар бўйича ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйиш;
- кадрлар таркиби, ҳаракати, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизоми ҳолатини ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш;
- раҳбарлик лавозимларига кадрлар захираси билан ишлаш.

Ҳозирги кунда кон-металлургия соҳасидаги самарали меҳнат жараёнини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг меҳнат кодекси ва “Олмалиқ КМК” АЖнинг тасдиқланган қабул тартибига мувофиқ “Олмалиқ КМК” АЖга билим ва тажрибага эга номзодларни очиқ ва шаффоф тарзда танлаб олиш асосида ишга қабул қилиш тизими йўлга қўйилган. Бунда, эҳтиёж бўлган касблар ҳақидаги маълумотлар мунтазам равишда www.agmk.uz сайти орқали эълон қилиниб борилади. Номзод ўзининг мутахассислигига мос келувчи ёки мутахассислик талаб қилмайдиган касблар бўйича бўш иш ўрнига танлов эълон қилинганида, тегишли маълумотларни резюме кўринишида онлайн тарзда юборади. Сўнгра, ташкил этиладиган назарий ва амалий билимлар синовидан муваффақиятли ўтган номзод қабул комиссияси томонидан бўш иш ўрнига ишга қабул қилиш учун тавсия этилади.

“Олмалиқ кон - металлургия комбинати” акциядорлик жамияти
Кузатув кенгаши аъзолари

№	ФИШ	Лавозими
1	Арипов Абдулла Нигматович	Ўзбекистон Республикаси Бош вазири
2	Исламов Бобир Фархадович	Ўзбекистон Республикаси тоғ-кон саноати ва геология вазири
3	Ли Дмитрий Романович	Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директори
4	Каримов Алишер Нишанович	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг ўринбосари
5	Мустафаев Хуршед Бахтиёрович	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирининг ўринбосари
6	Alexander Blumhardt	Мустақил аъзо
7	Tanya Chikanza	Мустақил аъзо

“Олмалиқ кон - металлургия комбинати” акциядорлик жамияти
Бошқарув аъзолари

№	ФИШ	Эгаллаб турган лавозими
1	Хурсанов Абдулла Холмурадович	Бошқарув раиси
2	Шерматов Саъди Бахтиярович	Бошқарув раисининг ходимлар ва ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари в.б.
3	Маматов Бехзод Абдугафурович	Бошқарув раисининг иқтисодиёт, молия ва трансформация бўйича биринчи ўринбосари
4	Оруджов Узеир Салег-огли	Кон ишлари бўйича бош муҳандис ўринбосари
5	Низомов Махмуд Миноварович	Бюджетлаштириш ва харажатларни назорат қилиш департамент бошлиғи
6	Касимов Санджар Кадиорович	Юридик департамент бошлиғи
7	Ваккасов Бахтияр Абдираимович	Мис эритиш заводи директори

1.6 . Корхонанинг бозордаги ўрни ва аҳамияти, шу жумладан халқаро бозордаги мавқеи

ОКМК — Ўзбекистон Республикасидаги рангли металлургия соҳасидаги ягона тўлиқ технологик циклга эга йирик саноат корхонасидир. Корхона мис, рух, молибден, олтин ва кумуш каби рангли ва қимматбаҳо металлларни қазиб олиш, қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот сифатида экспорт қилиш билан шуғулланади.

ОКМК томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар — мис катоди, мис катанкаси, мис бойитмаси, рух метали, кадмий метали, қўрғошин хомашёлари, мис купороси ва палладий кукуни — республика ва жаҳон иқтисодиётида стратегик аҳамиятга эга ресурслар ҳисобланади. Бу металллар:

Энергетика, электроника, қурилиш, машинасозлик ва муҳофаа саноатида муҳим хом ашё саналади;

Ўзбекистоннинг саноатлашув ва экспорт диверсификацияси стратегиясини амалга оширишда асосий омилдир;

Давлат учун валюта тушумларини таъминловчи стратегик маҳсулотлар ҳисобланади.

ОКМК — Марказий Осиё минтақасидаги энг йирик рангли металлургия корхонаси сифатида халқаро миқёсда ҳам тан олинган. Комбинат маҳсулотларини сотишнинг асосий бозорлари Туркия, Россия, Хитой, Қозоғистон, Тожикистон, Ҳиндистон, Нидерландия, Швейцария, Озарбайжон, Полша, Грузия, Австрия, Қирғизистон ва бошқа мамлакатлардир. 2025 йилда "Олмалик КМК" АЖ 18 мамлакатнинг 30 дан ортиқ компаниялар билан шартномалар тузишни режалаштирмоқда. Харидорлар рўйхатида "Trafigura Pte Ltd" (Сингапур), "Glencore International AG" (Швейцария), Mercuria Energy Trading SA (Швейцария), "Advaita Trade" (БАА), "T Trading DMCC" (БАА) va "Aurubis AG" (Германия) киради.

1.7 . Корхонада жорий этилган сифатни бошқариш тизими

Маҳсулотлар UzTR.319-004:2015 "Металлургия маҳсулотлари хавфсизлиги тўғрисида"ги умумий техник регламент, миллий, давлат (O'z MSt, O'z DSt) ва давлатлараро (ГОСТ) стандартлар асосида ишлаб чиқарилади. Сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида халқаро стандарт ISO 9001 талаблари асосида сифат менежменти тизими жорий қилинган, сертификатланган ва ишчан ҳолатда бўлиши таъминланади. Ҳар йили тизимни халқаро стандарт талабларига мувофиқлигини аниқлаш учун халқаро сертификатлаштириш органи томонидан назорат аудитлари ўтказилади.

Мис катоди ва эмалланган сим, мис сим чиқаришда ISO 9001 халқаро стандарти талабларига мувофиқлиги бўйича сертификатланган сифат менежменти тизимининг мавжудлиги маҳсулот сифатини доимий равишда ошириш ва ҳар қандай истеъмолчи ва бошқа манфаатдор томонларни мамнун қилиш учун асос бўлмоқда.

ISO 9001 стандартларини қўллаш ва кейинчалик сифат менежменти тизimini сертификатлаш корхонанинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигига, халқаро

тендерларда иштирок этишига, халқаро кредитларни ва ва инвестицияларни жалб қилишига таъсир қилади.

II. Корхонани ислох қилиш

2.1 Истиқболли ривожланиш, стратегия

“Олмалик КМК” АЖнинг 2030 йилгача бўлган истиқболли ривожланиш стратегияси корхонанинг ишлаб чиқариш салоҳиятини янада ривожлантириш, экспорт имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, жаҳон бозорида рақобатбардошлигини оширишга қаратилган. Ушбу стратегиянинг асосий йўналиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 майдаги ПҚ-4731-сонли Қарорига мувофиқ амалга оширилаётган “Ёшлик I” конини ўзлаштириш” лойиҳасидир. Стратегия мис, олтин ва кумуш каби асосий металл ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, янги иш ўринлари яратиш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожига ҳисса қўшишни назарда тутди.

2025 йилгача комбинат 6,5 млрд доллардан ортиқ инвестиция ўзлаштирди: 2009–2016 йилларда 891,8 млн долларлик 12 та, 2017–2025 йилларда 5 612,6 млн долларлик 16 та лойиҳа амалга оширилди. “Хондиза” ТКБМ, Шеробод цемент заводи, “Қайрағоч” ва “Самарчук” ер ости конлари, Қалмоқир конини кенгайтириш каби лойиҳалар фойдаланишга топширилди. Трансформация йўналишида МХХС ҳисоботи жорий этилди, Fitch ratings агентлигидан “BB, барқарор” кредит рейтинги, барқарор ривожланиш соҳасида (56 балл) ESG 3-рейтинги олинди, ISO стандартлари асосида 9001/14001/45001/50001/37001 тизимлари жорий қилинди.

2026 йилда “Ёшлик I” конини ўзлаштириш” лойиҳасининг биринчи босқичи якунига етказилиб унга янги 3-сон мис бойитиш фабрикаси ишга туширилади. Шунингдек, ишлаб чиқариш инфратузилмани такомиллаштириш бўйича янги Оҳак заводи, рух заводида 6-чи сульфат кислотаси цехининг ишга туширилиши ва комбинатнинг асосий ишлаб чиқариш қувватларини реконструкция қилиш ва барқарорлаштириш лойиҳаси якунланиши орқали катодли мис ишлаб чиқаришни йилига 170 минг тоннага етказиш имконияти яратилади.

2.2 Ислох қилиш мақсади ва босқичлари

2017-2025 йилларда амалга оширилган инвестиция лойиҳалари. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2025 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурига мувофиқ “Олмалик КМК” АЖда 5 612,6 миллион долларлик 16 та инвестиция лойиҳалари амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастури доирасида 2018 йилда амалга оширилган йирик инвестиция лойиҳалари қаторида Сурхондарё вилоятида йиллик қуввати 1,5 миллион тонна оқ ва кулранг цемент ишлаб чиқариш қувватига эга Шеробод цемент заводи фойдаланишга топширилди. Ушбу 212,8 миллион долларлик лойиҳа Туркиянинг “DAL Teknik Makina Ticaret ve Sanayi A.S.” компанияси томонидан “тайёр ҳолда топшириш” шарти асосида қурилган ва 584,9 гектар майдонни ўз ичига олади.

2021 йилда қиймати 124,6 миллион долларлик “Хом ашё (Калмоқир, Сарик-Чўққи, СТТБ, АТБ, МБФ) казиб олиш ва қайта ишлаш учун ишлаб чиқариш

қувватларини кенгайтириш” инвестиция лойиҳасини амалга ошириш якунланди. Лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 январдаги ПФ-2713-сон фармониға мувофиқ амалга оширилди. Ушбу лойиҳанинг мақсади Қалмоқир руда конининг қувватини йилиға 30,0 миллион тоннадан 35,0 миллион тоннағача, Сарик-Чўкки карьери қувватини йилиға 5,0 миллион тоннадан 5,3 миллион тоннағача оширишдан иборат.

2021 йилда умумий қиймати 65,1 миллион доллар бўлган, геологик захиралари 2256,9 минг тонна рудали бўлган “Қизил-олма кони негизида Самарчук участкасида ер ости кони куриш” инвестиция лойиҳаси ишға туширилди. Лойиҳанинг мақсади йилиға 100,0 минг тонна олтин рудасини қазиб олиш орқали Кўчбулоқ конининг тугатилаётган қувватлари ўрнини тўлдиришдан иборат..

2025-2030 йилларда амалга ошириладиган истиқболли лойиҳалар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олмалиқ КМК” АЖ конлари негизида рангли ва қимматбаҳо металллар ишлаб чиқаришни кенгайтиришға доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги 2020 йил 2 майдаги ПҚ-4731-сон қарорига мувофиқ комбинатнинг мавжуд қувватларини сақлаб қолиш, шунингдек, ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида умумий қиймати 13,5 млрд. доллардан зиёд бўлган “Ёшлик I” конини ўзлаштириш” йирик ва стратегик муҳим аҳамиятға эға мегалойиҳа амалга оширилмоқда.

Ушбу лойиҳанинг мақсади йилиға 120,0 миллион тонна руда қазиб олиш бўлиб, лойиҳани амалга ошириш натижасида 10 мингдан зиёд янги иш ўринларини яратиш режалаштирилган. Лойиҳа 2017 йилдан буён амалга оширилиб келинмоқда, 5 125,1 миллион доллар миқдорида инвестициялар ўзлаштирилди.

Лойиҳанинг I босқичи биринчи навбатида (қиймати 4 620,4 миллион доллар) “Ёшлик I” конини ва унинг ташқи инфратузилмасини ўзлаштириш, шунингдек, янги 3-сон мис бойитиш фабрикасини куриш кўзда тутилган.

Тоғ-кон ишларини амалга ошириш мақсадида маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчилар томонидан асосий тоғ-кон техникаси ва ускуналарини етказиб бериш учун умумий қиймати 450 миллион доллардан ортиқ бўлган 597 донадан ортиқ ускуналар етказиб берилди.

“Ёшлик I” карьерида кон қазиш ишлари давом эттирилиб, 239,8 миллион куб метрдан ортиқ иш бажарилди (шундан 2025 йилда 26,8 миллион куб метр) ва 7 млн тн (1,6 млн тн) маъдан қазиб олинди.

Янги 3-сон Мис бойитиш фабрикаси бўйича лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, курилиш - монтаж ҳамда етказиб берилган ускуналарни ўрнатиш ва созлаш ишлари олиб борилмоқда.

Жорий йил бошидан 3-МБФға 2,0 млн тн маъдан қабул қилиниб, 1,7 млн тн қайта ишланди ва 28,9 минг тн мис концентрати ишлаб чиқарилди.

Бундан ташқари, 2021 йилда дастлабки қиймати 2 550,0 миллион доллар бўлган “Ёшлик I” лойиҳасининг I босқичининг иккинчи навбатини амалга ошириш бошланди. Унинг қуввати йилиға 300,0 минг тонна мис катодини ишлаб чиқаришға мўлжалланган.

Металлургия мажмуасини зарур ҳажмдаги хомашё билан таъминлаш мақсадида 2030 йилларда фойдаланишга топшириладиган 4-сон мис бойитиш фабрикаси ҳамда унинг ташқи инфратузилма объектларини қуриш бўйича лойиҳа олди ва лойиҳа-қидирув ишлари олиб борилмоқда. Лойиҳанинг дастлабки қиймати 4 050,0 миллион доллар бўлган 4-сон мис бойитиш фабрикасининг қуввати йилига 60,0 миллион тонна рудани қайта ишлашга мўлжалланган.

3 ва 4-сон МБФ технологик жараёнларини зарур реагент (оҳак) билан таъминлаш мақсадида 2023 йилда "Ёшлик I" лойиҳасининг биринчи босқичининг иккинчи навбати доирасида янги Оҳак заводи қурилиши лойиҳаси бошланди. Лойиҳа қуввати йилига 737,0 минг тоннага мўлжалланган ва завод тўлиқ кўмир билан ишлайди. Лойиҳанинг қиймати 99,9 миллион доллар, фойдаланишга топшириш муддати 2027 йил.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3954-сонли қарорига мувофиқ комбинат асосий ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш объектларини реконструкция қилиш, компания фаолиятини барқарорлаштириш ва қўллаб-қувватлаш, шунингдек, ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмини ошириш мақсадида қиймати 458,6 миллион доллар бўлган "Олмалик КМК" АЖ асосий ишлаб чиқариш қувватларини реконструкция қилиш ва барқарорлаштириш" лойиҳаси амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳа мисни қайта ишлаш заводи, мис эритиш заводи ва рух заводи каби заводлар ишлаб чиқариш занжирининг бош тугунларини модернизация қилиш ва реконструкция қилишни назарда тутди.

Лойиҳада мис бойитиш фабрикаси, рух ва мис эритиш заводларидаги эскирган ускуналарни алмаштирган ҳолда цехларни реконструкция қилиш, шу жумладан рух заводида янги 6-сульфат кислотаси цехини қуриш натижасида кейинчалик жисмоний ва маънавий жихатдан эскирган мавжуд сульфат кислота цехини (1-чи СКЦ) фойдаланишдан чиқариш кўзда тутилган.

Рух заводининг янги сульфат кислота цехи атмосферага чиқаётган зарарли газларни қайта ишлаш орқали сульфат кислота ишлаб чиқаришни кўзда тутди, шу билан бирга шаҳар экологик муҳитини муҳофаза қилишга хизмат қилади.

Лойиҳани 2026 йилда фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Бундан ташқари, қиймати 102,8 млн доллар бўлган +1280 м дан +800 м гача горизонт оралиғида Хонжиза конининг захираларини очиш ва ўзлаштириш" лойиҳасини амалга ошириш бошланди.

Лойиҳани амалга ошириш зарурати 1400 м дан 1280 м гача бўлган горизонтларда полиметалл руда захираларининг босқичма-босқич камайиб бориши ва мавжуд ишлаб чиқариш ҳажмини сақлаб қолиш учун ишлаб чиқариш зарурати пайдо бўлиши билан асосланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 28 июлдаги ВМҚ-317/11-сон қарори билан инвестиция лойиҳасининг техник-иқтисодий асосланиши тасдиқланган.

Шундан сўнг, Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 29 февралдаги 26/1-3233-сон топшириғига мувофиқ, мазкур лойиҳани Чинорсой кони захираларини очиш билан биргаликда ўзлаштириш белгиланди.

Ушбу лойиҳанинг мақсади ишлаб чиқариш ҳажмини йилига 650,0 минг тоннага кўтариш учун Хонжиза конининг қуйи горизонтларини ва Чинорсой кенларини ўзлаштиришдан иборат.

“Чинорсой конининг захираларини очиш ва ўзлаштириш” лойиҳасининг мақсади 250,0 минг тоннагача руда қазиб олиш ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмини 650,0 минг тонна даражасида ушлаб туриш учун Хонжиза конининг тугатилган қувватини тўлдиришдан иборат.

Лойиҳанинг амалга ошириш муддати 2024-2030 йиллар.

Олтин ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш мақсадида қиймати 135,0 млн доллар бўлган “Ковулди” ва “Қуйикенжасой” олтин кенларини биргаликда ўзлаштириш” инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун лойиҳаолди ҳужжатларини ишлаб чиқиш ишлари олиб борилмоқда. Ушбу лойиҳани амалга ошириш оқибатида йилига 350,0 минг тонна олтин таркибли маъдан қазиб олиш ишлари амалга оширилади ва натижада йилига қўшимча қимматбаҳо металллар ишлаб чиқариш имкони пайдо бўлади.

Лойиҳанинг амалга ошириш муддати 2026-2030 йиллар.

Олтин ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш мақсадида яна бир лойиҳа – “Междуречье” конини ўзлаштириш” инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун лойиҳаолди ҳужжатларини ишлаб чиқиш ишлари олиб борилмоқда. Мазкур лойиҳа қиймати 115,7 млн долларни ташкил қилиб, ушбу лойиҳани амалга ошириш оқибатида йилига 150,0 минг тонна олтин таркибли маъдан қазиб олиш ишлари амалга оширилади.

Лойиҳанинг амалга ошириш муддати 2026-2031 йиллар.

2.3 Ислоҳ қилишнинг 2026 йил учун режаси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.09.2018 йил ПҚ-3954-сонли қарорига асосан ўрта муддатли истикболда комбинат олдида Мис бойитиш фабрикаси (МБФ) ва рух заводи (РЗ) қисми бўйича қувватларини барқарорлаштириш бўйича чора-тадбирларни бажариш вазифаси турибди.

Жамиятнинг узоқ муддатли истикболли ривожланиши “Ёшлик-І” конини ўзлаштириш, яъни 3 ва 4-сонли мис бойитиш фабрикаларини (3-МБФ ва 4-МБФ) қуриш, мис эритиш заводининг ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш билан боғлиқ. Шунингдек муҳим инвестиция лойиҳаларини жадаллаштириш. Жумладан:

3-мис бойитиш фабрикасини “Ёшлик І” кони маъданини қайта ишлашни лойиҳавий қувватига чиқариш;

Қуввати 180 минг тонна сульфат кислота заводини декабрь ойида ишга тушириш ва натижада рух заводининг металл ишлаб чиқариш ҳажмини йилига 120 минг тоннага кўтариш;

Янги металлургия мажмуаси объектлари бўйича металлургия ва сульфат кислотаси цехларини қурилиш ишлари, шихта тайёрлаш омбори, сув таъминоти, ташқи электр таъминоти объектлари қурилиши учун ЕРС шартномаларни имзолаш, ускуналарга буюртмаларни жойлаш ва қурилиш ишларини давом эттириш.

Қуввати 60 минг м³/соат бўлган кислород цехи ва 737 минг тонна оҳак заводи ишчи лойиҳасини якунлаш, ер ишларини давом эттириш, ускуналарни етказиш ва монтаж қилишни бошлаш.

Қувватларнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш учун мис эритиш заводининг ривожланиш концепцияси мис эритиш заводининг бўш майдонларида янги шихта тайёрлаш, металлургия, электролиз, технологик газлардан сульфат кислотасини ишлаб чиқарадиган, тошқолларни секин совутиш ва бойитиш цехлари қурилиши режалаштирилган. Бугунги кунда Финляндиянинг Metso компанияси билан металлургия ва сульфат кислотасини ишлаб чиқарадиган цехларни лойиҳалаш ва ускуналарни етказиб беришга қаратилган шартнома тузилган, лойиҳа ишлари бошланган, қурилиш майдонларида ер ишлари олиб борилмоқда.

Оксидланган ва балансдан ташқари рудаларни қайта ишлашнинг самарали технологияларини тадбиқ этиш ва излаш ишлари олиб борилмоқда. Бу оксидланган рудаларни (чанли ёки уюмли ювиш усули билан), шунингдек, бўш турган жойни ишга тушириш билан балансдан ташқари рудаларни жалб қилишни ташкил қилиш имконини беради.

Камёб металларни ажратиб олиш билан сульфат кислотаси цехида (СКЦ) нордон оқоваларни (эритмаларни нам газли тозалаш усули билан) қайта ишлаш ишлари олиб борилмоқда.

Техноген чиқиндилар ва ярим маҳсулотлардан, комбинатнинг ишлаб чиқариш кекларидан гидрометаллургик усулда ноёб, қимматбаҳо металларни қўшимча қазиб олиш, кейинчалик мис эритиш заводи негизида янги гидрометаллургия тажриба саноат участкасини яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маъмурий ислохатлар доирасида тоғ-кон саноати ва геология соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги 2023-йил 27-июлдаги ПФ-116-сонли фармонида асосан “Ўзбекгеологияқидирув” АЖ махсус ҳисоб-китоб бўйича комбинтанинг минерал-хом ашё базасини кенгайтириш мақсадида геология қидирув ишларини ўтказишни режалаштирмоқда.

Геология қидирув ишлари Тошкент (13 та), Сурхондарё (5 та) ва Наманган (2 та) вилоятларида жами 20 та лойиҳа бўйича олиб борилади.

Геологик тадқиқотлар давомида 95 600 п.м ер усти ва ер ости бурғулаш ишлари, 2 350 п.м ер ости ишлари ва ҳажми 6 700 м³ бўлган ариқларга ишлов бериш ва хандақ қазиш ишлари амалга оширилади.

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янги инвестиция лойиҳаларини ташқи молиялаштириш манбаларини жалб қилиш мақсадида “Олмалиқ КМК” АЖ молиявий ҳисоботлари 2019 йилдан бери Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлар (МХХС) асосида молиявий ҳисоботлар тайёрланиб, “Ernst & Young” халқаро аудиторлик компанияси иштирокида халқаро аудит стандартларига мувофиқ мустақил ташқи аудит ўтказиб келинмоқда. Шу билан биргаликда

комбинатни рақамлаштириш дастури доирасида ERP SAP тизимини жорий этиш режалаштирилган.

Трансформация, ESG тартиби ва халқаро рейтинглар лойиҳа офиси томонидан 2026-йилда қуйидаги тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган:

ОКМКнинг Fitch Ratings va S&P Global Ratings кредит рейтингини янгилаш;

- иссиқхона газлари чиқиндиларини сезиларли даражада қисқартириш, казиб олиш ҳамда металлларни қайта ишлашдан келиб чиқадиган экологик таъсирни минималлаштиришга қаратилган климатик стратегияни ишлаб чиқиш;

- ОКМК фаолиятини комплекс трансформация қилиш бўйича “Йўл харитаси” чора-тадбирларини қисман амалга ошириш ва акционер кутишлари бўйича унинг бажарилишини комбинатнинг таркибий бўлинмалари томонидан назорат қилиш;

- 2025-йил учун “Олмалиқ КМК” АЖ “Барқарор ривожланиш ҳисоботи”ни тайёрлаш;

- ОКМКнинг 2025 йил учун барқарор ривожланиш ҳисоботини халқаро аудиторлик компанияси (Big 4) томонидан GRI талабларига мувофиқлигини текшириш ва унинг хулосасини олиш;

- ОКМКнинг 2025 йил учун IFRS S1 ва S2 талабларига мувофиқ ҳисоботи”ни тайёрлаш;

- “Олмалиқ КМК” АЖнинг Иқлим стратегиясини ишлаб чиқиш;

- ташқи аудит ўтказиш ва Copper Mark сертификатини олиш, бу ОКМКнинг халқаро миқёсда жавобгар мис ишлаб чиқариш стандартларига мувофиқликни тасдиқлайди;

- ОКМКнинг 2035-йилгача мўлжалланган ривожланиш стратегияси ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

- ОКМКнинг операцион моделини қайта кўриб чиқиш;

- ички аудит хизматини халқаро стандартларга мувофиқ трансформация қилиш;

- 2024-2026 йиллар учун Комбинатнинг операцион самарадорлигини ошириш бўйича Йўл харитасида белгиланган тадбирларни амалга ошириш.

III. Бозор ва маркетинг режаси

3.1. Бозор таҳлили

Комбинатнинг экспортга сотиладиган маҳсулотларининг нархи Лондон металл биржаси (ЛМБ) котировкалари асосида белгиланади. Бундай ҳолда, маҳсулот турига ва автомобил ёки темир йўл транспортида етказиб бериш шартларига қараб чегирма ёки рағбат қўлланилади. "Олмалиқ КМК" АЖ маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича тузилган шартномаларга, шунингдек йил давомида тузиладиган бошқа қўшимча шартномаларга мувофиқ амалга оширилади.

3.2. Маҳсулот (хизмат)нинг асосий истеъмолчилари, таркиби

"Олмалиқ КМК" АЖ Асосий истеъмолчилар: "Procab" MCHJ, "Yuqorichirchiq Energy Systems" MCHJ, "Metal Processing Technology" MCHJ, "Uzkabel" AJ QK, "Techno Cabel Group" AJ QK, "Андижанкабель" AJ QK, "Artikul Aziya Kabel" MCHJ QK, "Sharq Tubes" MCHJ, "Metsol" MCHJ, "Angren Pipe Plant" MCHJ, "National Holding" MCHJ QK ва "Чирчиқ трансформатор заводи" АЖ корхоналари ҳисобланади.

Йирик истеъмолчиларнинг мис маҳсулотларига бўлган талаби 2023 йилда 83,6 минг тонна, 2024 йилда 90,5 минг тонна ва 2025 йилда 100,0 минг тоннани ташкил этади.

"Олмалиқ КМК" АЖ томонидан ишлаб чиқариладиган рух ва рух маҳсулотларининг асосий истеъмолчилари: "Toshkent Metallurgiya Zavodi" MCHJ QK, "Azia Metall Prof" MCHJ, "Dupond Group" MCHJ QK, "Bektemir Metall Konstruksiyalari" MCHJ, "Beykab ABB" MCHJ, "Mekanik Ins" MCHJ ва бошқалардир.

Йирик истеъмолчиларнинг рух маҳсулотларига бўлган талаби 2023 йилда 25,5 минг тонна, 2024 йилда 29,8 минг тонна ва 2025 йилда 32,9 минг тоннани ташкил этади.

3.3. Рақобат

"Олмалиқ КМК" АЖ Ўзбекистонда рангли металллар ишлаб чиқариш бўйича ягона тўлиқ технологик циклга эга йирик корхона ҳисобланади. Республика ичида ОКМКнинг асосий рақобатчиси "Навоий КМК" бўлиб, у асосан олтин соҳасида фаолият юритади. Шунинг учун мис ва рух йўналишларида ОКМК амалда ички бозорда монопол мавқега эга.

Ташқи бозорда асосий рақобатчилар қаторига Қозоғистондаги KAZ Minerals ва Kazzinc (Glencore), Россиядаги UMMC (Урал кон-металлургия компанияси) киради. Ушбу компаниялар йиллик 300–400 минг тонна мис ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, халқаро бозорда катта улушни эгаллайди.

Минтақавий миқёсда ОКМКнинг улуши тобора ортиб бормоқда — 2030 йилда янги ишлаб чиқариш майдонлари туфайли катод мис ҳажмини 300 минг тоннага етказиш режалаштирилган. Бу эса корхонага Қозоғистон ва Россия ишлаб чиқарувчилари билан тенг даражада рақобат қилиш имконини беради.

3.4. Маркетинг режаси

“Олмалиқ КМК” АЖ маҳсулотларини экспорт қилиш тузилган шартномаларга, шунингдек йил давомида тузиладиган бошқа қўшимча шартномаларга мувофиқ амалга оширилади.

“Олмалиқ КМК” АЖ — Марказий Осиё минтақасидаги энг йирик рангли металлургия корхонаси сифатида халқаро миқёсда ҳам тан олинган. Комбинат маҳсулотларини сотишнинг асосий бозорлари Туркия, Россия, Хитой, Қозоғистон, Тожикистон, Ҳиндистон, Нидерландия, Швейцария, Озарбайжон, Полша, Грузия, Австрия, Қирғизистон ва бошқа мамлакатлардир. 2025 йилда "Олмалиқ КМК" АЖ 18 мамлакатнинг 30 дан ортиқ компаниялар билан шартномалар тузишни режалаштирмоқда. Харидорлар рўйхатида "Trafigura Pte Ltd" (Сингапур), "Glencore International AG" (Швейцария), Mercuria Energy Trading SA (Швейцария), "Advaita Trade" (БАА), "T Trading DMCC" (БАА) va "Aurubis AG" (Германия) киради.

IV. SWOT-таҳлили

SWOT таҳлилининг мақсади — комбинатнинг ички ва ташқи муҳитини комплекс баҳолаш орқали унинг рақобатбардошлигини ошириш, стратегик устувор йўналишларини аниқлаш ҳамда барқарор ривожланиш учун оптимал қарорлар қабул қилишдир. Ушбу таҳлил компаниянинг кучли ва заиф томонларини, мавжуд имкониятлар ҳамда ташқи таҳдидларни тизимли равишда аниқлаб, уларни мувозанатлаштириш орқали самарали стратегик режалаштиришга замин яратади.

Комбинатнинг тоғ-кон йўналишида бошқа корхоналардан асосий афзаллиги мис ва полиметалл рудалари бўйича йирик захираларга эга бўлишидир. Ушбу захиралар стратегик корхона мақоми билан биргаликда давлат қўллаб-қувватлаши ва имтиёзли молиялаштириш имкониятларини таъминлайди. Шу билан бирга, комбинатнинг узоқ йиллар давомида тўпланган тажрибаси, юқори малакали кадрлар салоҳияти ҳамда «Ёшлик I» конини ўзлаштириш каби жаҳон миқёсидаги лойиҳалар узоқ муддатли барқарор ўсишни ташкил этади.

Комбинат истиқболли яшил энергия, электромобиллар ва рақамли инфратузилма соҳасидаги глобал мисга бўлган талабнинг ортиши билан узвий боғлиқ бўлиб, бу узоқ муддатли лойиҳалар учун халқаро инвестициялар ва кредитларни жалб қилиш имкониятларини сезиларли даражада оширади. Шу билан бирга, чиқиндиларни қайта ишлаш, иккиламчи металлургия йўналишларини ривожлантириш ҳамда янги экспорт бозорларига чиқиш қўшимча ўсиш омилларини шакллантиради. Барқарор ривожланиш (ESG) ташаббусларини фаол амалга ошириш атроф-муҳитга салбий таъсирни камайтириш халқаро ҳамкорларнинг ишончини мустаҳкамлайди.

Бироқ, асосий воситаларнинг эскириш даражаси билан боғлиқ муаммолар мавжудлиги, жараёнларни автоматлаштириш ва рақамлаштириш даражасининг етарли эмаслиги операцион самарадорликни чеклаб, жаҳондаги йирик компаниялар орасида заифликни кучайтириши мумкин.

Глобал металл нархлари ўзгарувчанлиги ва молиявий натижаларнинг экспорт бозорларига боғлиқлиги асосий таҳдид бўлиб қолмоқда. Атроф-муҳит

қонунчилигининг қатъийлашиши қўшимча инвестицияларни талаб қилиши мумкин. Паст харажатли ва юқори автоматлаштирилган трансмиллий корпорациялар рақобати босимни кучайтирса, савдо чекловлари каби геосиёсий хавфлар экспорт салоҳиятига жиддий зарар етказиши мумкин.

Асосий таҳдид глобал металл нархларининг ўзгарувчанлиги бўлиб, бу экологик талабларнинг қатъийлашиши, паст харажатли трансмиллий корпорациялар рақобати ҳамда савдо чекловлари каби геосиёсий хавфлар билан янада кучаймоқда. Ушбу омиллар қўшимча инвестицияларни талаб қилиб, комбинатнинг экспорт салоҳиятига жиддий зарар етказиши мумкин.

Кучли томонлар	Заиф томонлар
Қазилма бойликларининг катта захиралари	Асосий воситаларнинг бир қисмининг эскирганлиги
Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш	Маҳсулот портфелининг етарлича диверсификация қилинмаганлиги
Узоқ йиллар давомида тўпланган тажриба ва малакали ходимлар	Жараёнларни чекланган рақамлаштириш ва автоматлаштириш
Имкониятлар	Таҳдидлар
Мисга бўлган талабнинг ортиши	Жаҳон металл нархларининг ўзгарувчанлиги
Халқаро инвестициялар ва ҳамкорликни жалб қилиш имконияти	Атроф-муҳит (экология) талабларини кучайиши
Чиқиндиларни қайта ишлаш ва иккиламчи металлургияни ривожланиши	Трансмиллий корпорациялар билан рақобат
Янги экспорт бозорларига кириш	Геосиёсий ва савдо хавфлари

V. Энергоресурслар таъминоти ва уларнинг сарфи

Электр таъминоти. Олмалиқ шаҳридаги комбинат бўлинмаларининг электр таъминоти “МЕТ” АЖнинг Тошкент, Янги Ангрен ва Сирдарё иссиқлик электр станцияларининг электр тизимидан қуйидаги асосий подстанциялар орқали амалга оширилади: 500/110/10 кВ кучланишли қуввати 630 000 кВА бўлган (2х3х210 МВА) иккита гуруҳли бир фазали автотрансформаторли “Туккет” (Технологик) подстанцияси, 220/110 кВ кучланишли қуввати 200 000 кВА бўлган иккита трансформаторли Қора-Қия-Сой подстанцияси, 110/35/6 кВ кучланишли қуввати

25 000 кВа бўлган иккита трансформаторли 5-тортиш подстанцияси, ва 220/110/35/6кВ кучланишли қуввати 250000 кВа бўлган иккита трансформаторли Адолат подстанцияси. Электр таъминоти схемаси комбинатнинг барча ишлаб чиқариш бошқармалари 110, 35 ва 6 кВли асосий ва захира электр узатиш линияларига эга бўлган тарзда ишлаб чиқилган.

Комбинатнинг электр таъминоти схемасига қуйидагилар киради:

- узунлиги 800 км дан ортиқ бўлган 110, 35, 6 кВ кучланишли электр узатиш линиялари;
- 400 км дан ортиқ 6/10кВ гача бўлган кабел линиялари;
- умумий қуввати 615000 кВт дан ортиқ бўлган 20000 дондан ортиқ электр двигателлар;
- 850 дан ортиқ куч трансформаторлари.

Уч-Қулоч конининг электр таъминоти Жиззах ХЭТК тармоқларидан 110/10 кВ кучланишли “Нурафшон” подстанцияси орқали амалга оширилади.

Чодак кон бошқармасининг электр таъминоти Наманган ХЭТК тармоқларидан 35 кВ кучланишли “Чодак” ва 110 кВ кучланишли “Поп” подстанциялари орқали амалга оширилади.

Ангрен кон бошқармасининг электр таъминоти Тошкент ХЭТК тармоқларидан 110 кВ электр узатиш линиялари 110/35/6 кВ подстанцияси орқали қуввати 16000 кВА бўлган учта трансформаторлар орқали амалга оширилади.

Хонжиза кон бошқармасининг электр таъминоти Сурхондарё ХЭТК тармоқларидан 110/6кВ “Кенгузар” подстанцияси орқали қуввати 10000кВА бўлган иккита трансформатор ва 110/6кВ “Хонжиза” подстанцияси орқали 10000 кВА бўлган иккита трансформатор орқали амалга оширилади.

Янги Мис эритиш заводини электр энергияси билан таъминлаш учун заводнинг қувватини оширган ҳолда реконструкция қилиш ва «Қора-Қия-Сой» ва 500 кВ 2-сонли янги подстанциядан қувват оладиган иккита қўшимча подстанция қуриш режалаштирилган.

Газ таъминоти. Олмалиқ шахридаги комбинат бўлинмаларини газ билан таъминлаш Шўртан ва Газли табиий газ конларидан “Ўзтрансгаз” АЖнинг иккита мустақил магистрал газ қувурлари орқали амалга оширилади:

- диаметри 426 мм бўлган юқори босимли газ қузури (6 кг/см²)-Олмалиқ I ГТС газ станцияси орқали (Газли табиий газ кони);

– диаметри 500 мм бўлган юқори босимли газ қузури (6 кг/см²)-Олмалиқ II ГТС газ станцияси орқали (Шўртан табиий газ кони);

Табиий газ комбинатнинг барча корхоналарига Олмалиқ I ГТС газ тарқатиш станциясидан, Олмалиқ II ГТС газ тарқатиш станцияси орқали мис эритиш заводи, мис бойитиш фабрикаси, рух заводига иссиқлик электр марказига етказиб берилади.

Ангрен кон бошқармасига газ етказиб бериш “Худудгазтаминот” АЖнинг “Ангреншахаргаз” филиали орқали диаметри 273 мм бўлган юқори босимли газ қузури орқали амалга оширилади.

Иссиқлик таъминоти. “Олмалиқ КМК” АЖ комбинати, уй-жой фондлари, шунингдек саноат корхоналарини иссиқлик билан таъминлаш манбаи комбинатнинг иссиқлик-электр марказидир.

ИЭМда ўрнатилган қувватлар:

-электр энергияси ишлаб чиқариш бўйича 36 МВт (ҳар бири 12 МВт/соат қувватга эга 3 та буғ турбогенераторлар),

-буғ ишлаб чиқариш бўйича 390 тонна/соат,

-иссиқ сув бўйича 300 Гкал/соат.

Энергия ташувчиси органик ёқилғи ҳисобланади. Асосий ёқилғи сифатида табиий газ, фавқулодда ёқилғи сифатида эса мазут ва кўмир ишлатилади.

Буғ турбинасининг 3300 С° даража иссиқликдаги 8÷13 ата босимли буғи билан комбинат цехларининг ишлаб чиқаришдаги иссиқлик энергиясига бўлган еҳтиёжларига кетади. Комбинат бошқармалари ва ташқи истеъмолчиларни буғ кўринишида иссиқлик энергияси таъминоти учта буғ қувурлари орқали амалга оширилади:

- 2-МБФ, буғ қувурининг узунлиги 3092м, диаметри 426 мм;

- МБФ буғ қувурининг узунлиги 3488м, диаметри 630-426 мм;

- ТМИЗ5, буғ қувурининг узунлиги 1129 м, диаметри 273 мм.

Иссиқ сув таъминоти 3 та иситиш тармоқлари орқали амалга оширилади:

- ИЭМ-Шаҳар I навбат Ду-500 мм;

- ИЭМ- Шаҳар II навбат Ду-500-630 мм;

- ИЭМ-МОФ Ду-500-325 мм .

Эритиш агрегатларидан ажралиб чиққан чиқинди газлардан иккиламчи энергия манбалари сифатида фойдаланиш ҳам кенг қўлланилади. Шундай қилиб, конверторлар ва анодли печлар орқасидаги иссиқлик қайта тиклаш заводларида, Мис эритиш заводининг суюқ ваннада эритиш (ПЖВ) ва кислородли машъал эритиш (КФП) печларининг чиқинди иссиқлик қозонларида ва Рух заводининг КС печлари орқасида иссиқликни қайта тиклаш иссиқлик энергиясини ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш имконини берди. ИЭМда иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш учун табиий газ сарфини камайитириш имконини берди.

Умуман, комбинатда иссиқлик утилизация қурилмалари сони 9 донани ташкил этади.

Сув таъминоти. Комбинат корхоналарининг сув таъминоти манбалари гуруҳли ва якка қудуқли сув олиш манбалари, булоқлар, ер усти сувлари, «Тошкент вилояти сув таъминоти» АЖ Олмалиқ шаҳар филиали сув таъминоти тармоғидаги сувлардир.

Гуруҳ сув олиш манбаларига қуйидагилар киради:

- Карахтой қирғоқ қудуқлари – 13 дона;

- Карахтой майдон қудуқлари - 14 дона;

- Тош-Сартамғали қудуқлари - 12 дона;

- Тош қудуқлари - 26 дона.

Жами-65 қудуқ

Гуруҳли сув олиш жойларидан тоза саноат сувлари МБФ, 2-МБФ, МЭЗ, РЗ, МТМЗ, ИЭМ, омборлар, тажриба фабрикасининг ишлаб чиқариш эҳтиёжларига етказиб берилади. Суғориш мавсумида тузилган шартномалар асосида боғдорчилик жамиятларига сув етказиб берилади.

Ягона сув олиш жойларига қуйидагилар киради:

- майший-ичимлик суви олиш "Кераучи" сув олиш жойи - 7 қудук (МБФ, МЭЗ, ССТЦ, СТТБ локомотив депосининг майший-ичимлик эҳтиёжлари);

- техник сув учун СТТБ сув олиш жойи -6 қудук;

- “уюм танлаб эритиш” сув олиш жойи - 3 қудук (ичимлик суви ва оҳак заводининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари);

- Ўрғоз сув олиш жойи – 2 қудук (ПМ заводи ва омборларини ишлаб чиқариш ва майший ичимлик суви билан таъминлаш);

- Сут маҳсулотлари фермаси сув олиш жойи – 9 қудук (сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва майший ичимлик суви билан таъминлаш, иссиқхоналар, "Қизил-ой" дам олиш зонаси, ер ва боғни суғориш);

- паррандачилик фермасининг сув олиш жойи -1 қудук (ишлаб чиқариш ва Сариосиё туманидаги паррандачилик фермасининг майший-ичимлик суви таъминоти);

- “Автомобилчи” дам олиш масканининг сув олиш жойи - 1 қудук (“Тошкент денгизи” ҳудудидаги дам олиш масканининг майший-ичимлик суви билан таъминланиши);

- “Тонг” БСО сув олиш жойи - 2 қудук (“Тонг” болалар соғломлаштириш оромгоҳининг майший-ичимлик суви таъминоти);

- Узунқудук сув олиш жойи - 8 қудук (Уч-Қулоч конининг майший-ичимлик суви таъминоти);

- “Банд” сув олиш жойи -2 қудук (Банд қишлоғининг майший-ичимлик суви таъминоти);

- Кулсуюқ сув олиш жойи - 2 қудук (Кулсуюқ каръери ишлаб чиқариш сув таъминоти);

- “Қизил-олма” сув олиш жойи -11 қудук (Ангрен КБ ОСФ Қизил-олма участкаси конларининг майший-ичимлик суви таъминоти);

- Кўчбулоқ сув олиш жойи – 5 қудук (Ангрен КБ Кўчбулоқ участкаси ва Кўчбулоқ қишлоғининг майший-ичимлик суви таъминоти);

- “Хандиза” КБ сув олиш жойи -3 қудук ("Хонжиза" КБ заводининг ишлаб чиқариш ва майший ичимлик суви таъминоти);

- 5-сонли автобаза сув олиш жойи – 1 қудук (Сариосиё туманидаги 5-сонли автобазанинг ишлаб чиқариш ва майший-ичимлик суви билан таъминоти);

Ҳаммаси бўлиб 75 та қудук мавжуд.

Ер ости сувларини тўплаш учун бошқа иншоотлар ҳам мавжуд, масалан:

- “Мовий тоғлар” дам олиш масканининг булоқ суви олиш жойи ;

- “Галерейный” сув олиш жойи -Саук-Булак-сай юқори оқимидаги галерея (Сариқ-Чўққи кони ва 4-сонли автобаза майший-ичимлик суви таъминоти);

Ер усти сувларидан саноат, маиший ва ичимлик суви таъминоти учун, шунингдек истъмол молларини ишлаб чиқариш бошқармасига тегишли ерларини суғоришда фойдаланилади. Ер усти сувларининг манбалари:

- ККХ “Ангрен” - Ангрен КБ ОСФ саноат сув таъминоти;
- Қиз-Ота-Сой – Ковулди конининг ишлаб чиқариш ва маиший-ичимлик суви таъминоти;
- Чодак-Сой- “Олтинкон” қишлоғи, шунингдек Чодак КБ бўлинмалари ишлаб чиқариш ва маиший-ичимлик суви таъминоти;
- Шамат канали - ИМИЧБ ерларини суғориш ва балиқчилик ҳавзалари учун;
- Откамар канали ва Хонжиза дарёси – “Хонжиза” КБ иншоотларининг саноат ва маиший-ичимлик суви таъминоти.

Комбинатда қайта ишланган сув таъминоти, иккиламчи сув ресурсларидан фойдаланиш ва қайта фойдаланиш тизими мавжуд. Иккиламчи сув ресурсларининг манбалари:

- МБФ сув сатҳини пасайтириш хавзаси – 22 қудуқлари;
- МЭЗ сув сатҳини пасайтириш хавзаси – 12 қудуқлари;
- Ковулди кони ДПУ ҳудудидаги дренаж қудуғи;
- 1-сонли контур орти дренаж сув олиш жойи – 35 қудуқ
- 2-сонли контур орти дренаж сув олиш жойи – 103 қудуқ

Ҳаммаси бўлиб 173 та қудуқ мавжуд.

2026 йил учун техник саноат-молиявий режага мувофиқ, заводнинг ёқилғи-энергетика ресурсларига бўлган эҳтиёжи:

- электр энергияси учун – 2 960,3 млн. кВт.соат, шу жумладан:
- ўз электр энергиясини ишлаб чиқариш — 200 миллион кВт.соат;
- табиий газ учун – 311,8 миллион куб метр;
- иссиқлик энергияси учун – 1 373 264 Гкал;
- техник сув учун – 481 583 минг куб метр, шу жумладан:
- саноат сув — 174 463 минг куб метр;
- айланма сув – 307 120 минг куб метр.

5.1. Қувватларни модернизация ва реконструкция қилиш орқали энергияни тежаш ва самарадорликни ошириш бўйича Техник сиёсати

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 февралдаги "2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-57-сон қарорига мувофиқ, ташқи тармоқдан электр энергияси истеъмолини камайтириш ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш улушини ошириш мақсадида 2023 йилдан бошлаб “Олмалик КМК” АЖда фотоэлектр станциялари (ФЕС) босқичма-босқич ўрнатилмоқда.

Бугунги кунда комбинат бўлинмаларида ишга туширилган фотоэлектр станцияларининг умумий ўрнатилган қуввати 7 344 кВтни ташкил этади.

2026 йилда шахсий ФЕСлари фаолияти ҳисобига 6 млн.кВт.соатдан ортиқ электр энергияси ишлаб чиқарилиши кутилмоқда.

5.2. Корхонанинг энергетик эҳтиёжларини қайта тикланувчи энергия манбалари, жумладан қуёш панелларини ўрнатиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш

млн.сўм

Т/Р	Қуёш панелига ўтиш бўйича лойиҳа қиймати	Ўз маблагларидан молиялаштириш манбалари	Қуёш панели ўрнатилган майдон, минг м ²	Қуёш панели куввати		Иқтисод		ХЭТга сотилиши (мавжуд бўлса)	
				соатига, кВт	йил, минг кВт	миқдори, минг кВт	Сумма	миқдори, минг кВт	Сумма
1	1500	1500	1,42	390	390	600	600	-	-

VI. Кўрсаткичлар

6.1. Ишлаб чиқариш режаси

6.1.1. Хомашё захираси

“Олмалик КМК” АЖ мис-олтин таркибли маъданлари билан 100 йилдан ортиқ муддатга таъминланган, олтин маъданлари билан 30 йилдан ортиқ муддатга, полиметалл (кўрғошин ва рух) маъданлари захиралари билан 60 йилдан ортиқ муддатга ҳамда номаъдан хомашё билан (оҳактош, қум-шағал аралашмаси) 15 йилдан ортиқ муддатга таъминланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24-майдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимида ягона геологик хизматни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3004-сон Қарорига мувофиқ жойларда янги саноат объектлари яратилишини ҳисобга олган ҳолда фойдали қазилма захиралари ўсишини ва минерал-хомашё базасини кўпайтиришни таъминлаш бўйича геология-қидирув ишлари “Ўзбекгеологияқидирув” АЖ томонидан амалга оширилади.

2017 йилда қазиб олишга жалб қилинган Ёшлик I кони Қурама тоғ-тизмасининг шимолий ёнбағирларида, Олмалик шахридан 1-2 км жануби-шарқда жойлашган ва “Олмалик КМК” АЖнинг Қалмоқир каръери билан биргаликда икки йирик хомашё базасини ташкил этади. Кон очик усулда қазиб олинади. Лойиҳавий йиллик маъдан қазиб олиш қуввати йилига 60,0 млн тоннани ташкил этади. 2025 йил 1-январ ҳолатига умумий захираси, маъдан-5 770, млн. тоннани ташкил этиб, захира билан таъминланганлиги 102 йил.

Мавжуд Қизилолмасой кони негизида Самарчук участкасида захираларни ўзлаштиришга тайёргарликни тезлаштириш учун шахта-қурилиш бошқармаси (ШҚБ) томонидан +1045м. абсолют баландликда ўтилган қия тоғ-кон лаҳимидан эксплуатацион уфқни тайёрлаш мақсадида тоғ-кон ўтиш ишлари олиб борилган. 2024 йилда Самарчук конида маъдан қазиб олиш катта ҳажмдаги тоғ-кон ўтиш ишларини бажарилиши туфайли 35,9 минг тонна маъданни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 майдаги “Олмалик КМК” АЖ конлари негизида рангли ва қимматбаҳо металллар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4731-сон қарорига мувофиқ “Қуйикенжасой” олтин таркибли кони захираларини ўзлаштириш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Лойиҳанинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 100,0 минг тонна. Коннинг мавжуд захиралари 2025 йил 1 январь ҳолатига 683,7 минг тоннани ташкил этади.

Сурхондарё вилояти Сариосиё туманида жойлаган Хондиза бойитиш фабрикаси мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини ошириш мақсадида Хондиза ва Чинорсой полиметал конларини биргаликда ўзлаштириш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Ҳозирда лойиҳани ТИА (техник иқтисодий асослари) ишлаб чиқилмоқда. Лойиҳанинг умумий йиллик қазиб олиш қуввати 650,0 минг (Хондиза-550,0 минг. тонна, Чинорсой 100,0 минг тонна) тоннани ташкил этиши кўзда тутилган. Лойиҳа 2027 йилдан бошлаб амалга оширилади.

“Олмалиқ КМК” АЖ тассаруфидаги номаъдан фойдали қазилмалар оҳактош ва кум-шағал аралашмасидан иборат. Оҳактош хомашёси Совуқбулоқ карьеридан қазиб олинади, карьернинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати йилига 200,0 минг тонна, карьернинг оҳактош хомашёси билан таъминланганлиги 15 йилни ташкил этади. Тайёр маҳсулот (оҳак) мис бойитиш фабрикасида маъданларни қайта (бойитиш) ишлашда фойдаланилади.

Кум-шағал аралашмаси хомашёси Шархия, Шимолий ҳамда Шимолий-І карьерларидан қазиб олинади.

6.1.2. Тайёр маҳсулотнинг асосий тавсифлари

Мис катоди – қалинлиги 8-12 мм, ўлчами 850х950 мм бўлган плиталар. Улар электротехника саноатида, кабел ва симли ўтказгич маҳсулотлар ишлаб чиқаришда, куйма ва деформацияланган мис маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун ишлатилади. Техник шартлар ГОСТ 546-2001 ва кимёвий таркиби бўйича ГОСТ 859-2014 асосида, М00k ва М0k мис маркаси ишлаб чиқарилади.

Мис катанкаси – КМО маркада диаметри 8,0мм; 16,0 мм ўлчамда ишлаб чиқарилади, электротехник кабел ва ўтказгичлар ишлаб чиқариш учун мўлжалланган. О‘з DSt 2809:2013 талаблари асосида ишлаб чиқарилади.

Мис сим – ММ маркада диметри 1,8 мм ва 2,62 мм, О‘зMSt 224:2024 асосида ишлаб чиқарилади.

Олтин қуймаси - Au-1 маркада қуйма шаклида О‘з DSt 610:2009 Ўзбекистон давлат стандарти асосида ишлаб чиқарилади.

Кумуш қуймаси - Ag-1 маркада қуйма шаклида О‘з DSt 611:2009 Ўзбекистон давлат стандарти асосида ишлаб чиқарилади.

Вазнли олтин қуймаси – таркибида 99,99% олтин лигатур оғирликда тижорат мақсадларида О‘з DSt 1174:2021 Ўзбекистон давлат стандарти асосида ишлаб чиқарилади.

Рух – 19-25 кг вазнли қуйма кўринишида ишлаб чиқарилади. Электр саноати учун қотишма, прокат, рух кукуни ишлаб чиқариш учун мўлжалланган. Ц0А, Ц0 маркада. ГОСТ 3640-94 бўйича ишлаб чиқарилади.

Сульфат кислотаси (H_2SO_4) ГОСТ 2184-2013 - моногидратнинг масса улушига эга бўлган ёғли суюқлик: "яхшиланган" марка учун - 92,5% - 94%, "техник" марка учун камида 92,5%. У ўғитлар, сунъий тола, капролактама, титан диоксиди, этил спирти, анилин бўёқлар ва бошқа қатор тармоқлар ишлаб

чиқаришда ишлатиш учун мўлжалланган. Сульфат кислота ёнувчан ва портловчи, буғлари захарли.

СТ-1 маркали техник селен - қуйма шаклда ишлаб чиқарилади. Фармацевтика, эмаллар, бўёқлар, ойна, ва тоза селен олиш учун мўлжалланган. ГОСТ 10298-2018 бўйича ишлаб чиқарилади.

T1, T2 маркали техник теллур – қора ёки тўқ кулранг кукун кўринишда ишлаб чиқарилади. Бўёқ, баббит ва юқори тозаликдаги теллур ишлаб чиқариш учун мўлжалланган. ГОСТ 17614-2018 бўйича ишлаб чиқарилади.

Кадмий – ГОСТ 1467-93 бўйича қуйма шаклида $10 \pm 1,5$ кгдан ишлаб чиқарилади. Кд0 маркалиги кадмий оксидини олиш учун мўлжалланган.

Аммоний перренати (аммоний рений кислотаси) – Оқ ёки кул ранг кристалл. Рений металини, қаттиқ қотишмалар, нефтни қайта ишлаш катализатори олиш учун фойдаланилади. ГОСТ 31411-2009 бўйича AP-00, AP-0, AP-1 маркаларда ишлаб чиқарилади.

Эмалланган сим – ГОСТ 21428-75 бўйича ишлаб чиқариладиган ПЭТ-155 маркали эмалланган думалоқ мис сим. Электротехник буюмларни ишлаб чиқариш учун мўлжалланган.

Мис купороси ($\text{CuSO}_4 \cdot 5\text{H}_2\text{O}$) – хаво ранг кукун. Қишлоқ хўжалиги, саноат (сунъий тола, органик ва синтетик бўёқ, маргумуш кимёвий моддалар, флотацияда маъданни бойитиш учун мўлжалланган). ГОСТ 19347-2014 бўйича ишлаб чиқарилади. А маркада олий ва 1 навли, Б маркада биринчи навли.

6.1.3. Жорий (2 йиллик) ишлаб чиқариш ҳолати

Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	2023 йил	2024 йил	2025 йил кутилиш	Ўсиш суръати, %
Мис	т	148 500	137 400	148 500	108,1

6.2. Молиявий режа

6.2.1 Жорий (2 йиллик) молиявий кўрсаткичлар таҳлили

Комбинатнинг 2024 йилда ишлаб чиқарилган маҳсулот нархлари амалда қуйидаги даражада бўлди: мис – 9 144 долл./т, рух – 2 777 долл./т, олтин – 2 388 долл./тр.унц. ва кумуш – 28 долл./тр.унц, ўртача АҚШ доллари курси 12 652 сўм. Товар маҳсулотлари сотиш хажми 37 665 млрд сўмни ташкил этди. Асосий фаолиятдан олинadиган бошқа даромад 485 млрд сўмни ташкил этди.

Жами харажатлар 21 208 млрд сўмни, жумладан ишлаб чиқариш таннархи 13 933 млрд сўмни ташкил қилди. Давр харажатлари 7 274 млрд сўмни, жумладан солиқлар ва мажбурий тўловлар 4 830 млрд сўмни ташкил қилди.

2024 йил учун фойда солиғи 5 645 млрд сўмни, молиявий фаолият харажатлари 3 585 млрд сўмни, соф фойда эса 7 713 млрд сўмни ташкил қилди.

Комбинатнинг 2025 йилда ишлаб чиқарилган маҳсулот нархлари қуйидаги даражада бўлиши кутилмоқда: мис – 9 500 долл./т, рух – 2 751 долл./т, олтин – 3 300 долл./тр.унц. ва кумуш – 35 долл./тр.унц, ўртача АҚШ доллари курси 12 585 сўм. Товар маҳсулотлари сотиш хажми 48 890 млрд сўмни ташкил этиши кутилмоқда. Асосий фаолиятдан олинadиган бошқа даромад 1 604 млрд сўмни ташкил этади.

Жами харажатлар 30 174 млрд сўмни, жумладан ишлаб чиқариш таннархи 21 417 млрд сўмни ташкил қилиши кутилмоқда. Давр харажатлари 8 757 млрд сўмни, жумладан солиқлар ва мажбурий тўловлар 5 829 млрд сўмни ташкил қилади.

2025 йил учун фойда солиғи 7 423 млрд сўмни, молиявий фаолият харажатлари 1 451 млрд сўмни, соф фойда эса 11 446 млрд сўмни ташкил қилиши кутилмоқда.

6.2.2 Молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар режаси (бюджети)

“Олмалиқ КМК” АЖнинг 2026 йилга белгиланган даромади тасдиқланган ишлаб чиқариш хажмлари ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг жорий нархларидан келиб чиқиб шакллантирилган. Товар маҳсулотлари ишлаб чиқариш хажми 54 373 млрд сўмни ташкил этади. Асосий фаолиятдан олинадиган бошқа даромад 65 млрд сўмни ташкил этади.

2026 йилда жами харажатлар 30 272* млрд сўмни, жумладан ишлаб чиқариш таннархи 20 012 млрд сўмни ташкил қилади. Давр харажатлари 10 260 млрд сўмни, жумладан солиқлар ва мажбурий тўловлар 6 184 млрд сўмни (давр харажатларидаги улуши 60%, жами харажатлардаги улуши 20%), бошқа харажатлар 4 076 млрд сўмни ташкил қилади. Бошқа харажатларга сотув харажатлари (82 млрд сўм), маъмурий харажатлар (556 млрд сўм) ва бошқа операцион харажатлар (3 438 млрд сўм) киради.

2026 йил учун фойда солиғи 8 136 млрд сўмни, молиявий фаолият харажатлари 3 452 млрд сўмни, соф фойда эса 12 578 млрд сўмни ташкил қилади.

6.2.3 Даромадлар шаклланишининг асосий манбаи (нархлар прогнози)

2026 йил режадаги нархлар қуйидаги даражада белгиланган: мис – 9 600 долл./т, рух – 2 700 долл./т, олтин – 3 450 долл./тр.унц. ва кумуш – 30 долл./тр.унц., ўртача АҚШ доллари курси 12 700 сўм. Ушбу параметрларга асосан товар маҳсулотлари ишлаб чиқариш хажми 54 373 млрд сўмни ташкил этади. Жумладан, асосий турдаги маҳсулотлар бўйича: мис маҳсулотлари 17 269 млрд сўм, қимматбаҳо металллар 32 220 млрд сўм, рух метали 1 724 млрд сўм. Асосий фаолиятдан олинадиган бошқа даромад 65 млрд сўмни ташкил этади.

6.2.4 Ишлаб чиқариладиган маҳсулот таннархини камайтириш бўйича мақсадли кўрсаткичлари режаси

2026 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш жами харажатлари, импорт хомашё ва солиқ тўловларини ҳисобга олмаганда, 17 443,8 млрд сўм режалаштирилган. Маҳсулотлар таннархини камайтириш комплекс чора-тадбирлари дастури бўйича мақсадли кўрсаткичларини амалга ошириш мақсадида 2026 йил давомида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар таннархини пасайтириш прогнози 2 301,5 млрд сўм миқдорида белгиланган, шу жумладан:

- энергия манбаларини тежаш ҳисобига 433,8 млрд сўм;
- хом-ашё материаллар харажатини оптималлашти-риш ва қискартириш ҳисобига 550,9 млрд сўм;
- бошқарув ва ишлаб чиқариш ходимлари сонини оптималлаштириш ҳисобига 89,6 млрд сўм;
- асосий фондлар самарадорлиги ва меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига 819,3 млрд сўм;
- жараёнларни рақамлаштириш ҳисобига 25,8 млрд сўм;
- харид қилиш, ташиш ва сақлаш харажатларини оптималлаштириш

*) Харажатларни камайтириш чора-тадбирларини ҳисобга олган ҳолда

ҳисобига 191,6 млрд сўм;

- бошқа харажатларни камайтириш ҳисобига 190,5 млрд сўм.

VII. Меҳнатга ҳақ тўлаш ва кадрларни тайёрлаш

“Олмалик КМК” АЖ ходимларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 сентябрдаги “Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 775-сон қарори билан тасдиқланган 22 разрядли Ягона тариф сеткасига мувофиқ амалга оширилади.

Бугунги кунда комбинатда молиявий имкониятлар ва ҳўжаллик фаолияти натижаларидан келиб чиққан ҳолда, Ягона тариф сеткасининг оширилган тариф коэффициентлари белгиланган.

Ишчиларнинг соатлик тариф ставкалари ишнинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрдаги 743-сон қарори билан тасдиқланган ва комбинатнинг жамоа шартномасига киритилган тармоқ коэффициентларидан фойдаланган ҳолда, Ягона тариф сеткасида ва тегишли йилнинг иш вақти нормаси билан белгиланган ойлик ставкалардан келиб чиқиб ҳисобланади.

Раҳбарлар, мутахассилар ва хизматчи ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ҳар бир таркибий бўлинма бўйича бошқарув раиси томонидан тасдиқланган штат жадвалларига мувофиқ, ойлик лавозим маошларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Айрим юқори малакали ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш комбинатда амалдаги низомларга мувофиқ меҳнатга ҳақ тўлашнинг шартнома шаклига мувофиқ амалга оширилади.

Ишдаги муваффақиятлар ва юқори ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришганлик учун қуйидаги рағбатлантириш чоралари кўзда тутилган: миннатдорчилик билдириш, Фахрий ёрлик, қимматбаҳо совға билан тақдирлаш, “Олмалик КМК” АЖ меҳнат фахрийси унвони бериш, тегишли моддий мукофот пули билан учинчи даражали “Кончилик шуҳрати” медали билан тақдирлаш, шунингдек давлат мукофотларига тақдим этиш.

Юбилей ёшига етган ва комбинатда 20 йил виждонан ишлаган ходимларни моддий рағбатлантириш амалга оширилади.

Комбинат ходимларига қуйидаги имтиёзлар назарда тутилган: узайтирилган асосий таътил 24 календар кунгача ва умумий иш стажига қараб 8 календар қунигача бўлган қўшимча таътил белгиланган. Иш жойларини меҳнат шароитларини ва жиҳозларнинг шикастланиш хавфи бўйича аттестациядан ўтказиш натижаларига кўра, ноқулай меҳнат шароитларида ишлайдиган ходимларга 24 календар қунигача қўшимча таътил берилади. Қиш мавсумида оширилган ставка бўйича тўланадиган тунги вақтнинг давомийлиги икки соатга оширилди. Комбинат ходимларига бепул озиқ овқат талони берилади, иш стажини учун ойлик устама, шунингдек нафақага чиққанда бир марталик мукофот пули тўланади.

Йил давомида меҳнат интизомини бузмаган барча ходимларга меҳнат таътилига чиқаётганда, соғлиғини тиклаш учун ойлик тариф ставкаси (лавозим маоши) миқдорида моддий ёрдам пули тўланади.

Комбинатнинг барча ходимларига хўжалик фаолиятининг асосий натижалари учун тасдиқланган низомларга мувофиқ мукофот пули белгиланган бўлиб, мукофот миқдори 60 фоиздан 110 фоизгачани ташкил қилади. Ер ости конлари раҳбарлари, мутахассислари ва ишчиларига ишлаб чиқариш кўрсаткичларини бажарганлиги учун мукофот пули 150 фоизгача оширилган миқдори белгиланган. Муҳим ишлаб чиқариш топшириқларини бажарганлиги, шунингдек бошқа меҳнат ютуқларига эришганлиги учун ходимларга амалдаги низомларга мувофиқ бир марталик мукофот пули берилади. Ходимларга қора ва рангли металл парчаларини йиғиш ва етказиб бериш бўйича топшириқни бажарганлиги учун, ёқилғи-мойлаш материалларини тежаганликлари учун мукофотлар бериш назарда тутилган. 2026 йил учун “Олмалик КМК” АЖ ходимларининг прогноз сони 38 058 нафарни ташкил этади.

2026 йил октябрь ойидан бошлаб, “Олмалик КМК” АЖ ходимларининг тариф ставкалари ва лавозим маошларини ошириш ҳамда йил давомида қуйидаги байрам кунлари муносабати билан бир марталик мукофот пулларини бериш кузда тутилган: 8 март – Хотин-қизлар куни; Наврўз; Рўза ҳайит; Кончилик ва металлургия саноати ходимлари куни; Қурбон ҳайит; Мустақиллик куни; Конституция куни ва Янги йил.

Йил давомида 1 570 нафар ходимни қайта тайерлаш, 6 178 нафар ишчини ва 2 648 нафар раҳбар ва мутахассисларнинг малакасини ошириш режалаштирилган.

2026 йилда комбинатда 14 нафар мутахассис: МДХ мамлакатлари олий ўқув юртларида 1 нафар ва Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида 13 нафар мутахассис тайёрлаш режалаштирилган.

VIII. Ташқи иқтисодий фаолият режаси (экспорт ва импорт)

8.1. Экспорт

2026 йил учун 595,0 миллион долларлик экспорт прогнози белгиланган, шу жумладан маҳсулот кесимида:

- катодли мис – 40 000 тонна, қиймати 340,0 миллион доллар;
- мис катанкаси – 1 000 тонна, қиймати 8,6 миллион доллар;
- металл рух – 36 000 тонна, қиймати 97,2 миллион доллар;
- бошқа маҳсулотлар – 149,2 миллион доллар миқдорида.

Экспорт прогноз кўрсаткичларни бажариш мақсадида комбинат энг яхши тижорат таклифлари асосида шартномалар тузади. Комбинат маҳсулотларини сотишнинг асосий бозорлари Туркия, Россия, Хитой, Қозоғистон, Тожикистон, Ҳиндистон, Нидерландия, Швеция, Озарбайжон, Полша, Грузия, Австрия, Қирғизистон ва бошқа мамлакатлардир. “Олмалик КМК” АЖ маҳсулотларини экспорт қилиш тузилган шартномаларга, шунингдек йил давомида тузиладиган бошқа қўшимча шартномаларга мувофиқ амалга оширилади.

2025 йилда "Олмалик КМК" АЖ 18 мамлакатнинг 30 дан ортиқ компаниялар билан шартномалар тузишни режалаштирмоқда. Харидорлар рўйхатида "Trafigura Pte Ltd" (Сингапур), "Glencore International AG" (Швейцария), Mercuria Energy Trading SA (Швейцария), "Advaita Trade" (БАА), "T Trading DMCC" (БАА) va "Aurubis AG" (Германия) киради.



Комбинатнинг экспортга сотиладиган маҳсулотларининг нархи Лондон металл биржаси (ЛМБ) котировкалари асосида белгиланади. Бундай ҳолда, маҳсулот турига ва автомобил ёки темир йўл транспортида етказиб бериш шартларига қараб чегирма ёки рағбат қўлланилади.

8.2. Импорт

Корхона томонидан 2024 йилда жами импорт ҳажми 568,1 млн долларни ташкил этиб, 2025 йилда жами 715,0 млн долларга 3 турдаги импорт орқали етказилиши кутилмоқда, жумладан:

- асосий фаолият учун 75,0 млн доллар (*режадаги 100 млн долларга нисбатан 75 фоиз*), бунда ишлаб чиқариш узлуксизлигини таъминлаш мақсадида хомашё, материаллар, металлопрокат, кимёвий реагентлар, асбоб-ускуна ва техникаларнинг эҳтиёт ва бутловчи қисмлари, ҳамда асбоб-ускуналар импорти асосан Хитой ва Россия давлатларидан;

- инвестиция лойиҳалари учун 35,0 млн доллар (*режадаги 55 млн долларга нисбатан 64 фоиз*), бунда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари доирасида ҳамда амалдаги завод ва фабрикаларни реконструкция қилишдаги катта ҳажмдаги асбоб-ускуналар импорти асосан Хитой ва Германия давлатларидан;

- мис, рух ва қимматбаҳо металл хомашёси 605,0 млн долларни (*режадаги 580 млн долларга нисбатан 104 фоиз*), бунда асосий ишлаб чиқариладиган тайёр маҳсулотлар учун хомашёлар импорти асосан Швейцария, Сингапур, Қозоғистон ва Тожикистон давлатларидан.

2026 йил учун жами импорт ҳажми 733,8 млн долларга белгиланди ва ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 103 фоизни ташкил этди, жумладан:

- асосий фаолият учун (3-МБФ инобатга олган ҳолда) 100,0 млн доллар (*ўсиш 133 фоиз*);

- инвестиция лойиҳалари учун 40,0 млн доллар (*ўсиш 114 фоиз*);
- мис, рух ва қимматбаҳо металллар хомашёси 593,8 млн доллар (*камайиши 2 фоиз*).

Шунингдек, корхона томонидан амалга ошириладиган давлат харидларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 августдаги ПҚ-4812-сон “Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори талабларига мувофиқ маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан ўзаро саноат кооперация алоқалари ўрнатилди ва маҳаллий контент улуши 3,8 трлн сўмга етказилиши кутилиб, режага нисбатан 158 фоизга ошади ва жами харидларнинг 65 фоизини ташкил этади.

Импорт ҳажмини қисқартириш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлан натижасида 2025 йил якунида жами 80 млн долларга қисқартирилиши ва валюта маблағлари тежалиши кутилмоқда, жумладан:

- маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар хариди ҳисобига 56 млн доллар валюта маблағлари тежалади (ўтган йилга нисбатан ўсиш +15 млн долл ёки 137 фоиз);
- импорт товарларни тендер ва танлов жараёнларида рақобат муҳитини кучайтириш натижасида 24 млн доллар миқдорида мақбуллаштириш (иктисод)га эришилади (ўтган йилга нисбатан ўсиш +13,7 млн долл ёки 232 фоиз).

2026 йилда ишлаб чиқариш ва инвестиция дастурларини, шунингдек техник қайта жиҳозлаш, маънавий ва жисмоний эскирган асбоб ускуналарни алмаштириш дастурини ҳамда ижтимоий объектларни бажариш учун хом ашё ва материаллар, машина ва ускуналар, шунингдек эҳтиёт қисмлар ва бутловчи қисмларни сотиб олиш учун 15 339,7 млрд сўм маблағ режалаштирилган, шундан:

Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Эҳтиёж		
		2024 йил	2025 йил	2026 йил
Натижа, шу жумладан	млрд сўм	3 774,4	5 011,2	6 020,4
	млн.\$	500,0	620,0	733,8
Амалдаги ишлаб чиқариш учун				
Республика ичидаги етказиб бериш	млрд сўм	3 774,4	5 011,2	6 020,4
Импорт бўйича етказиб бериш	млн.\$	500,0	620,0	733,8

Айрим турдаги товарлар ва хизматлар импортини босқичма босқич қисқартириш мақсадида, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, импорт ўрнини босиш ва ички бозорни зарур товарлар ва бутловчи буюмлар билан тўлдириш жараёнларини янада чуқурлаштириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларидан устувор фойдаланиш асосида тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш назарда тутилган.

IX. Маҳаллийлаштириш

2026 йилда “Олмалик КМК” АЖ маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида 108 та лойиҳа бўйича умумий ҳажми 840,1 млрд сўмлик тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материалларни ишлаб чиқариш режалаштирилган.


Маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилиши натижасида 65,9 млн долл миқдорида хорижий валюта маблағларини тежаш имконини беради.

Маҳаллийлаштирилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш комбинатнинг қуйидаги таркибий бўлимларида амалга оширилади:

- Марказий таъмирлаш механика заводи;
- Рух заводи;
- Мис эритиш заводи;
- Портловчи материаллар заводи;
- Ихтисослаштирилган таъмирлаш ишлари бошқармаси;
- Саноат темир йўл транспорти бошқармаси.

Маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун комбинат томонидан сўнгги йилларда қуйидаги участкалар ишга туширилди:

- Тоғ кон - шахта ускуналарини ишлаб чиқариш цехи;
- Сульфат цинк ишлаб чиқариш участкаси;
- РАМ қотишмаларини ишлаб чиқариш участкаси;
- Рух оксидини ишлаб чиқариш участкаси;
- Олтин ва кумушни аффинаж бўйича ишлаб чиқариш участкаси;
- Эмульсион портловчи моддаларни ишлаб чиқариш бўйича участка



2026 йил МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ

Умумий қиймати 67,2 млн доллар (840,1 млрд сўм)	
Янги лойиҳалар 33 та	Кенгайтирилган лойиҳалар 75 та
Қиймати 47,9 млн доллар (598,9 млрд сўм)	Қиймати 19,2 млн доллар (241,1 млрд сўм)
Қиймати 42,5 млрд сўмлик	
3-МБФ доирасида янги турдаги конусли янчиш ускуналарига ҳамда 7300x13000 русумли тегирмон учун эҳтиёт қисмлар ўзлаштирилади	

2027 йилда
Ўзлаштириладиган
маҳсулотлар

916,8
млрд сўм
109 та
лойиҳа

2028 йилда
Ўзлаштириладиган
маҳсулотлар

1 065,4
млрд сўм
111 та
лойиҳа

2029 йилда
Ўзлаштириладиган
маҳсулотлар

1 133
млрд сўм
112 та
лойиҳа

Х. Инвестиция лойиҳалари

Инвестиция дастури фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш, йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилишини таъминлаш, янги юқори технологияли маҳсулотларни, ҳамда лойиҳаларни бошқаришнинг замонавий усулларини жорий этиш, фаолият самарадорлиги ва шаффофлигини ошириш мақсадида амалга оширилади.

Дастурнинг мақсади:

- комбинат хомашё базасини кенгайтириш ҳисобига рангли ва қимматбаҳо металллар ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш;
- таркибида қимматбаҳо металллар кўп бўлган сульфидли рудаларни қайта ишлашни кучайтириш;
- қазиб олинган рудаларни қайта ишлаш, руданинг фойдали компонентларини, айниқса, нодир тупроқ металлларини комплекс ажратиб олишнинг илғор энергия тежовчи технологияларини жорий этиш;
- ўз ҳомашё манбаларидан фойдаланиш ҳисобига мавжуд тоғ-кон ва қайта ишлаш ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишнинг изчиллигини таъминлаш ва даражасини ошириш;
- замонавий технологиялар ва ускуналарни жорий этиш орқали ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва ёқилғи-энергетика ресурслари сарфини камайтириш;
- янги иш ўринларини яратиш.

2026 йилга мўлжалланган Инвестиция дастури бўйича “Олмалиқ КМК” АЖда 6 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш натижасида 292,6 млн. АҚШ доллар миқдорида маблағларни ўзлаштириш режалаштирилган, шу жумладан:

I. “Ёшлик I конини ўзлаштириш” (биринчи босқич, биринчи навбати - 60 миллион тонналик карьер ва 3-МБФ қурилиши).



2026 йилда комбинат тўғридан-тўғри хорижий банк кредитлари ҳисобидан 138,0 млн. АҚШ доллари ўзлаштириш режалаштирилган. Шу жумладан:

- қурилиш-монтаж ишларига 112,1 млн. АҚШ доллари;
- ускуналарни сотиб олиш ҳисобидан 24,2 млн. АҚШ доллари;

- бошқа харажатлар ҳисобидан 1,7 млн. АҚШ доллари (ТИА, ГАСН, конструкторлик ишлари, экспертиза харажатлари) ўзлаштирилиши режалаштирилган.

II. “Ёшлик I” конини ўзлаштириш лойиҳаси доирасида янги металлургия заводини қуриш (1-босқич, иккинчи навбати).

2026 йилда комбинат тўғридан-тўғри хорижий банк кредитлари ҳисобидан 86,8 млн. АҚШ доллари ўзлаштириш режалаштирилган.

Шу жумладан:

- қурилиш-монтаж ишларига 2,6 млн. АҚШ доллари;
- асбоб-ускуналарни сотиб олиш ҳисобидан 76,0 млн. АҚШ доллари;
- бошқа харажатлар ҳисобидан 8,2 млн. АҚШ доллари (ТИА, ГАСН, конструкторлик ишлари, экспертиза харажатлари) ўзлаштирилиши режалаштирилган.

III. “Ёшлик I конини ўзлаштириш” лойиҳаси доирасида янги оҳак заводини қуриш (1-босқич, иккинчи навбати).

2026 йилда комбинат тўғридан-тўғри хорижий банк кредитлари ҳисобидан 24,8 млн. АҚШ доллари ўзлаштириш режалаштирилган. Шу жумладан:

- қурилиш-монтаж ишларига 10,5 млн. АҚШ доллари;
- асбоб-ускуналарни сотиб олиш ҳисобидан 12,0 млн. АҚШ доллари;
- бошқа харажатлар ҳисобидан 2,3 млн. АҚШ доллари (ТИА, ГАСН, лойиҳавий тадқиқотлар, экспертиза харажатлари) ўзлаштирилиши режалаштирилган.

IV. “Олмалик КМК” АЖ асосий ишлаб чиқариш қувватларини реконструкция қилиш ва барқарорлаштириш дастури доирасида.

2026 йилда комбинат тўғридан-тўғри хорижий банк кредитлари ҳисобидан 28,5 млн. АҚШ доллари ўзлаштириш режалаштирилган. Шу жумладан:

- қурилиш-монтаж ишларига 8,6 млн. АҚШ доллари;
- асбоб-ускуналарни сотиб олиш ҳисобидан 17,1 млн. АҚШ доллари;
- бошқа харажатлар ҳисобидан 2,8 млн. АҚШ доллари (ТИА, ГАСН, лойиҳавий тадқиқотлар, экспертиза харажатлари) ўзлаштирилиши режалаштирилган.

V. “Хонжиза кони ўзлаштириш”

2026 йилда комбинат тўғридан-тўғри хорижий банк кредитлари ҳисобидан 7,5 млн. АҚШ доллари ўзлаштириш режалаштирилган. Шу жумладан:

- қурилиш-монтаж ишларига 5,6 млн. АҚШ доллари;
- асбоб-ускуналарни сотиб олиш ҳисобидан 1,5 млн. АҚШ доллари ўзлаштирилиши режалаштирилган.

- бошқа харажатлар ҳисобидан 0,4 млн. АҚШ доллари (ТИА, ГАСН, лойиҳавий тадқиқотлар, экспертиза харажатлари) ўзлаштирилиши режалаштирилган.

VI. ОКМК тизимидаги корхоналарни рақамлаштириш лойиҳаси.

2026 йилда комбинат тўғридан-тўғри хорижий банк кредитлари ҳисобидан 7,0 млн. АҚШ доллари ўзлаштириш режалаштирилган.

XI. Бизнес рискларни (таваккалчиликларни) бошқариш

Жамиятда таваккалчиликларни бошқариш тизими Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 10 июлдаги ПФ-100-сон Фармони ҳамда Жамият бошқаруви раисининг 2025 йил 13 февралдаги 00183-сонли буйруғи талаблари асосида тубдан такомиллаштирилди. 2026 йилда риск-менежмент фаолияти тўлиқ янгиланган ва халқаро ISO 31000:2018 стандартларига мувофиқлаштирилган қуйидаги янги тахрирдаги (2-тахрир) ички меъёрий ҳужжатларга асосланади:

Хатарларни бошқариш Сиёсати;

Ички назорат тизими Сиёсати;

Хатарларни бошқариш бўйича Қўлланма;

Хатарларни бошқариш ва ички назорат қўмитаси тўғрисидаги Низом.

Ташкилий тузилма ва “уч ҳимоя чизиғи”. Рискларни бошқариш жараёни самарадорлигини ошириш ва манфаатлар тўқнашувини олдини олиш мақсадида жараён “Уч ҳимоя чизиғи” модели асосида ташкил этилган:

- Мувофиқлаштирувчи юқори орган: “Хавфларни бошқариш қўмитаси”. Қўмита фаолиятининг холислиги ва профессионаллигини таъминлаш мақсадида, 2026 йилда қўмита таркибига овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган мустақил аъзо (халқаро тоифадаги эксперт ёки экспат) киритилиши кўзда тутилган. Бу қарорлар қабул қилишда шаффофликни ва илғор хорижий тажрибани жорий этишни таъминлайди.

- Ишчи орган: Ички аудит хизмати.

- Биринчи ҳимоя чизиғи (Бизнес эгалари): Хатарларни жойларда аниқлаш ва бошқариш учун бевосита масъул бўлган таркибий бўлинма раҳбарлари (Хатар эгалари).

- Иккинчи ҳимоя чизиғи (Нazorат ва Методология): Молиявий рисклар ва ковенантни бошқариш бўлими ҳамда Комплаенс хизмати.

- Учинчи ҳимоя чизиғи (Мустақил кафолат): Тизим самарадорлигини баҳоловчи Ички аудит хизмати.

2026 йилдаги асосий вазифалар ва чора-тадбирлар.

1. Рискларни идентификация қилиш ва баҳолаш:

- Янгиланган методология асосида барча таркибий бўлинмаларда хатарларни қайта идентификация қилиш ва “Хатарлар реестри” ҳамда “Хатарлар харитаси”ни (Heat Map) янгилаш.

- Хатарлар 4 та асосий тоифага бўлинган ҳолда бошқарилади: Стратегик, Молиявий, Операцион ва Комплаенс (экология ва меҳнат муҳофазаси билан бирга).

2. Рақамлаштириш ва Мониторинг:

- Жамиятнинг “Масофавий аудит” ахборот тизими имкониятларидан фойдаланган ҳолда рискларни мониторинг қилиш жараёнини рақамлаштириш.

- Молиявий ва ишлаб чиқариш хатарларини олдиндан аниқлаш мақсадида мавжуд маълумотлар базаларини “Ситуацион марказ”га интеграция қилиш ишларини давом эттириш.

3. КРІ ва Жавобгарлик: Хатарларни бошқариш жараёнининг самарадорлигини ошириш мақсадида, таркибий бўлинма раҳбарлари (Хатар эгалари) учун риск-менежмент бўйича КРІ (самарадорлик кўрсаткичлари) тизимини жорий этиш. Бу орқали ҳар бир раҳбарнинг хавфларни аниқлаш ва баҳолашдаги шахсий масъулияти оширилади.

4. Хавфларни минимизация қилиш: Аниқланган “қизил” (юқори) ва “сарик” (ўрта) даражадаги хатарлар бўйича “Хатарларни бошқариш тадбирлар режаси” ишлаб чиқилиб, ижроси Хавфларни бошқариш кўмитаси томонидан ҳар чоракда назорат қилиб борилади.

ХII. Экология ва атроф муҳитга таъсири

Комбинат ишлаб чиқариш қуввати Тошкент, Жиззах, Сурхандарё ва Наманган вилоятлари ҳудудида жойлашган бир гуруҳ мис-парфир, кургошин-рух, ва олтин-кумуш конлари захираларига асосланган.

Фойдали казилмаларни қазиб олиш, қайта ишлаш ва рангли металлларни ишлаб чиқариш атроф-муҳитга қуйидаги салбий таъсиरोарни кўрсатади:

- Маҳаллий ҳудуд рельефини ўзгариши;
- Ишлаб чиқариш чиқиндилари, руда ва бўш тоғ жинслари, шлам тўпланадиган жойлар учун ер майдонларини олиниши;
- Табiiй минерал ва энергия ресурсларини қисқариши;
- Атмосферага чангсимон ва газсимон ишлаб чиқариш чиқиндилари орқали ҳаво ифлосланиши;
- Ишлаб чиқариш оқовалари орқали ташланадиган зарарли моддалардан ер усти ва ер ости сувларининг ифлосланиши.

“Олмалиқ КМК” АЖ томонидан Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш бўйича қонунчилигида, хусусан “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Ер ости бойликлари тўғрисида”, “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Чиқиндилар тўғрисида”, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”, “Давлат экологик экспертизаси тўғрисида” ва бошқа қонунларда белгиланган мажбурий нормалар ҳамда талаблар тўлиқ бажарилади.

Комбинатнинг барча амалдаги ишлаб чиқариш таркибий бўлинмалари экологик инвентаризациядан ўтказилган бўлиб, унда атроф-муҳитга чиқариладиган зарарли моддаларнинг манбалари ва ишлаб чиқариш чиқиндилари жойлаштириладиган ҳудудлар аниқланган.

Ўтказилган инвентаризациялар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги томонидан белгиланган экологик квоталар асосида комбинатдаги ҳар бир чиқиндилар чиқариш манбаси бўйича чиқиндилардаги ва оқовалардаги ифлослантирувчи моддаларнинг рухсат этилган меъёр концентрациялари аниқланган. Шунингдек,

ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларини ҳосил қилиш ва жойлаштириш лимитлари, сув ресурсларидан фойдаланиш лимитлари ҳам тасдиқланган.

Ҳар йили ишлаб чиқиладиган табиатни муҳофаза қилиш тадбирларининг амалга оширилиши атроф-муҳитга таъсирни минималлаштиришга хизмат қилади. Мазкур тадбирлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- атмосферага чиқариладиган чиқиндилар ва ишлаб чиқариш оқоваларини тозалаш ускуналари самарадорлигини ошириш;
- табиий сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш;
- ишлаб чиқариш чиқиндиларини сақлаш ва жойлаштириш ҳудудларининг (шлам тўплагичлар, чиқиндиларни сақлаш омбори, отваллар ва бошқалар) экологик хавфсиз ҳолатини сақлаш, уларни корхонанинг ўзи томонидан ёки иккиламчи хомашё сифатида ташқи ташкилотларга топшириш орқали утилизация қилишни ташкил этиш (металлолом, ишлатилган нефть маҳсулотлари, мис эритиш заводи шлак чиқиндиларининг қайта ишлашдаги қолдиқлари ва бошқалар);
- ер ости бойликларини очиқ ва ер ости усулларида оқилона ишлаб чиқариш ва табиий жинсларнинг барқарорлигини сақлаш талабларига риоя этиш;
- яшил ҳудудларни сақлаш ва кенгайтириш ва бошқа тадбирлар.

Комбинатнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича йиллик тадбирларини амалга оширишга йўналтириладиган харажатлар, экологик самарадорлик:

Йил	Тадбирларни амалга ошириш харажатлари, млн. сўм	Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тадбирларининг экологик самарадорлиги		
		Қисқартириш		
		Атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқарилиши тонна/йил	Ифлослантирувчи моддаларни ер ва сув хавзаларига чиқими тонна/йил	Ишлаб чиқариш чиқиндиларининг тўпланиш хажмлари минг тонна/йил
2024 (амалда)	280 547	10 853	19	790
2025 (кутилиш)	320 258	11 000	19	800
2026 (прогноз)	335 765	12 000	20	810

“Олмалик КМК” АЖ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.04.2021 йилдаги 202–сонли қарорига асосан экологик фондга тўловларни амалга оширади, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндиларни бошқариш жамғармасига атроф-муҳитни ифлослантирганлик ва чиқиндиларни утилизация қилганлари учун компенсация тўловлари учун тўловларни амалга оширади. Компенсация тўловлари миқдори:

2024 йил –15 777 млн. сўм.

2025 йил (кутилиш) –19 536 млн. сўм.

2026 йил (прогноз) –18 736 млн. сўм.